БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 171 (16:861). | 24 июль 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

Ипатоволиклар ташаббуси асосида

ЧУДНАЯ ЗАФАРИ

ҚИБРАЙ («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» эксперименталь базасининг сут соғувчи оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная ўзига бириктирилган сигирларнинг ҳар биридан 2.230 килограммдан сут соғиб олиб, катта зафар қўлга киритди, тайёрлов пунктига 379 тонна серқаймоқ сут топширди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг менга йўллаган мактуби ғайратимга ғайрат қўшиб юборди, — дейди Анастасия Ивановна. — Оталарча меҳрибонликка жавобан сигирлардан ҳар қачонгидан кўпроқ сут соғиб олиш учун курашмоқдаман. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сутни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 236 килограмм кўпайтирдим.

Ставрополь ўлкаси Ипатово районининг меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг уларга йўллаган мактубини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Шундай замонда яшаяпмизки, кечаги афсона бугун ҳақиқатга айланяпти, бугунги рекорд эртага норма бўлиб қолиши шубҳасиздир. Мен шогирдларимга шундай деб таълим беряпман. Бугун бир киши ёки бир группа кишилар эришган ғалабани эртага ҳамманинг мулкига айлантириш, шу йўл билан қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш шарафли бурчимиздир.

Мен бу йил ҳар бош сигирдан камида 4.900 килограммдан сут соғиб олишга сўз берганман. Октябрнинг 60 йиллиги шарафига давом этаётган мусобақага қўшилиб, нишонга олган марра сари интилмоқдаман. Сигирлар авжи сутини кўпайтирадиган, сут таркибидаги мойни оширадиган паллага кирди. Фурсатдан оқилона фойдаланмоғимиз, сут соғиб олишни кун сайин ошира бормоғимиз керак. Ҳозир ғанимат фурсатни қўлдан бой берган киши кейинчалик ўрнини тўлдира олмай қийналиб қолади.

Сигирларнинг кўпчилик қисми бузоқлади. Биз бузоқларни яхши парвариш қилишимиз керак, айни кезда бўғоз сигирлар бузоқлашига 55—60 кун қолганда соғишни тўхтатишимиз лозим. Шундай қилинганда кейинчалик ҳам соғлом бузоқлар олинади, ҳам сут миқдори ортади. Ипатоволиклар ташаббуси асосида ҳамма жойда оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни, хусусан чорва комплексларидаги ва фермалардаги юмушларни комплекс механизациялаш муҳим ишдир.

Анастасия Ивановна чорвадорлар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб, қишлов учун кўпроқ озуқа — сенаж, силос, табиий пичан, беда уни ва бошқа ем-хашаклар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

— Бугунги жамғарилган тўймпи озуқа — яқин фурсатда, айниқса, қиш фаслида олинадиган кўп ва серқаймоқ сутдир, — деди у.

ИШЧИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Мамлакатнинг меҳнат коллективлари ўзларининг ишчи оилаларига ҳунар-техника мактаблари битирувчиларини самимий қабул қилмоқдалар. Улар бутун мамлакат Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турган ва СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси авж олиб кетган ажойиб бир вақтда ишга киришмоқдалар. Ёш авлод дастлабки кунларданоқ миллионларнинг меҳнат меъёрига киришиб кетиши, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида катта авлод билан елкама-елка туриши лозим бўлади.

Ҳунар-техника таълими системаси йил сайин ишчи кадрларни кўплаб етиштириб бермоқда, зеро давр талаби ҳам шундай. Экономикамиз ривожининг улкан миқёслари, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш маданиятининг ўсиши малакали ишчиларга нисбатан талабни ошириб юборди. Ўтган ўн йилликда 17,5 миллион йигит ва қиз ҳунар-техника мактабларини битириб чиқди. Бу, ундан олдинги йигирма беш йилдагидан анча кўпдир. КПСС XXV съезди қарорларида кўзда тутилганидек, ўнинчи беш йилликда таҳминан 11 миллион ишчи тайёрланиши керак.

Энг муҳим давлат вазифасининг ҳал этилиши кўпгина идора ва ташкилотларнинг манфаатдорлик билан иштирок этишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан олганда ленинградликлар тажрибаси ибратлидир. Бу ерда ҳунар-техника таълимини такомиллаштириш ишларига кўплаб корхона ва ташкилотлар жалб қилинган. Бамисоли бутун шаҳар бўлажак ишчиларнинг коллектив мураббийси, устози бўлиб қолди. Ҳар йили 1 сентябргача ўқув комплексларининг калитини тутқазаётган қурувчилар ҳам, уларнинг синфларини энг янги ускуналар билан жиҳозлашни ўзларининг бурчи деб ҳисоблаётган завод коллективлари ҳам, ўз ўқувчиларига касб танлаб олишда кўмаклашаётган умумий таълим мактабларининг педагоглари ҳам, ишчи авлодини ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали методларини жорий этишда билим юртларининг ўқитувчиларига ёрдамлашаётган олий ўқув юртларининг илмий ходимлари ҳам бу ишга бош-қош бўлмоқдалар. Ишчилар авлодини тайёрлаш ҳақидаги ғамхўрликка партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари диққат-эътиборини жалб этган КПСС область комитети бригаликда олиб борилаётган бу амалий ишларнинг ташкилотчиси бўлмоқда.

Ҳунар-техника таълими шохобчаларини ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришда Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузияда, Свердлов, Челябинск ва бошқа бир қатор областларда қимматли тажриба тўпланди. Бу тажриба шундан далолат бермоқдаки, муваффақиятга кўплаб ташкилотларнинг бригаликда сарфлаган куч-ғайрати, билим юртлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиниши туфайли эришилмоқда. Бу нарсанинг очиқ-ойдинлиги кўриниб турибди. Бироқ, айрим идора ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳунар-техника мактабларига ҳамон ўзгаларнинг қарамоғидаги иш деб қарамоқдалар. Улар ёш кадрларни тайёрлашда қатнашишни истамай, малакали ишчилар тайёрлаш тўғрисидаги эҳтиёжларининг қондирилишини талаб қилмоқдалар. Кейинги йилларда икки минг ўринли ўқув бинолари қуриши лозим бўлган Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги корхоналари бирорта ҳам бино қурмаганлигини нормал ҳол деб бўладими ахир? Темир йўллар министрлигининг 179 билим юртидан атиги 50 тасида ётоқхоналар бор. Жиҳозлари эскириб кетган, оталиқ ташкилотлари эса кейинги беш йил мобайнида ниҳояти битта станок етказиб берган билим юртидан нимани ҳам кутса бўлади? Москвадаги «Калибр» заводи раҳбарлари ўзининг «ўқув цехи»га ана шундай «ёрдам бермоқда».

Эътибор ва ғамхўрлик бўлмаган ўқув юртларида одатда, ўқувчилар муттасил етишмайди, мастерлар, ўқитувчилар топишда қийинчиликлар туғилади. Оқибатда битирувчиларнинг профессионал билим савияси, маданияти, тарбияси саёз бўлади.

Бугунги ёшлар энг янги техникага, ижодкорликка, рационализаторликка интилмоқдалар. Улар ўз мураббийларини ғоят билимдонлиги, эътиқодлилиги, танлаган ишига садоқати туфайли ҳурматлашади ва улар ўқиш йилларининг профессионал, ахлоқий ва маданий камол топишлари учун энг кўп фойда келтиришига ишонадилар. Ўқув юртларининг янги типи ҳисобланган ўрта ҳунар-техника билим юртлари худди шундай талабларга жавоб беради Ниҳояти бир неча йил илгари уларнинг сони 146 та эди. Ҳозир эса уч мингтадан ҳам ортиб кетди.

Масалан, Тошкентдаги 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти катта шуҳрат қозонган. Ўқув юртнинг шарафини юқори тутаётган қурувчилар — битирувчилар туфайли у машҳур бўлиб кетди. Бу коллективнинг педагогик «сирлари» ҳамманинг кўз ўнгида. Усмир бу ерга назар ташласа, кифоя — асло чиқиб кетгиси келмайди. Ҳамма нарса — устахоналар, кабинетлар, синфхоналар янги. Спорт зали, ошхона, умумий ётоқхона, кутубхона мавжуд, маниший турмуш, дам олишнинг бирорта ҳам майда-чуйда нарсаси унутилмаган. Бу ерда ўз ишига берилган, масъулиятини тушунган кишилар ишлашади. Бундай ўқув юртларининг келажаги порлоқ. Ёшлар ўртасида янги типдаги билим юртларининг обрўси ва оммавийлиги ошишига эришиш ҳунар-техника таълими комитетлари ва бошқармалари учун айниқса, муҳимдир. Бунинг маъноси шуки, бу ўқув юртларининг ҳар бири замонавий ўқув комплексига эга бўлиши, улар техника ва педагогиканинг энг янги ютуқлари асосида жиҳозланган бўлиши, энг яхши ўқитувчилар билан таъминланган бўлиши, ёш ишчи шахсининг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар бўлиши керак.

Ҳунар-техника мактабларини янада ривожлантиришда партия ташкилотлари катта роль ўйнашлари керак. Улар барча манфаатдор идора ва корхоналарнинг фаолиятини йўлга қўйиб, ишчи авлодини тайёрлашга ғамхўрлик қилмаётган хўжалик раҳбарларига нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатишлари даркор. Маҳаллий партия комитетларининг, уларнинг тармоқ бўлимларининг бурчи — ҳунар-техника таълимига доимий эътибор беришдан иборат. Янги ўқув йили арафасида, ҳали вақт борлигида билим юртларини комплектлаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, инженер-педагоглар составини тўлдириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш айниқса, муҳимдир.

Шу кунларда минг-минглаб ёшлар ўзларига касб танламоқдалар, ўқишни давом эттириш формаларини izлamoqдалар. Ўз-ўзидан равшанки, улар маслаҳатга муҳтождирлар. Касб танлаш ҳуқуқи шахс эркинлигининг энг муҳим жиҳатларидан бўлиб, социалистик жамият томонидан гарантилланади. Бу нарса СССР янги Конституцияси лойиҳасига ёзиб қўйилган. Бу ҳуқуқни яхши тушуниб, амалга оширишда, ўз қобилияти ва талантларини мамлакат манфаатлари билан мослаштиришда йигит ва қизларга ёрдамлашиш катталарнинг бурчидир. Отаоналар ва мураббийлар, комсомол ташкилотлари, матбуот, телевидение ва радио ҳунар-техника мактаблари бунёдкор ижодкорлик ва маҳорат, ғоят юксак инсоний қадр-қимматга эришиш, шоҳли ишчилар синфимиз вакилининг қатъий ҳаётий позициясини эгаллаш йўли эканлигини ўсмирларга ёрқин очиб берсинлар!

(«ПРАВДА»нинг 1977 йил 22 июлдаги бош мақоласи).

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ —ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА

Бугун Ўзбекистон диёрига қардош Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон пахтакорларининг вакиллари ташриф буюрдилар. Улар эртага — 25 июлдан бошлаб республикамизнинг ҳамма областлари, районлари, колхоз ва совхозларида бўлиб, қардош республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа шартларининг қандай бажрилаётганлигини ўзаро текширишдан ўтказадилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги олдидан ўтказиладиган бу ўзаро текшириш ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, у КПСС XXV съезди қарорлари асосида республикамизда пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва бошқа жабҳаларда, шунингдек оммавий-сиёсий, маданий-маиший соҳаларда қандай ишлар қилинаётганлигига катта кўрик бўлади.

Ленинча қон-қардошлик анъаналарига, социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош республикаларнинг пахтакорлари вакиллари республикамизга қадам ранжида этганликларини зўр қувонч ва чуқур ифтихор билан қутлайдилар ва уларга ўзаро текшириш ишларида катта муваффақиятлар тилайдилар.

Хуш келибсиз, азиз дўстлар, Ўзбекистон диёрига!

Арнасой районидаги Тимошенко номли совхознинг Ҳикмат Қудратов бошлиқ 6-бўлим пахтакорлари 447 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Еттита чопиқ трактори, иккита чеканка машинаси билан ғўзаларни парвариш қилишга алоҳида эътибор берилаётир. Шу туфайли хозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 4-5 тадан бўлиқ кўсак бор. Мирзиқор сувчилар ғўзаларни обитобида оби-ҳаётга қондирмоқдалар. Суратларда: (чапда) бўлим бошқарувчиси Ҳикмат Қудратов ва бригадир Норбой Очилов. Ўртадаги суратда экинларга ишлов бериш, ўнгдаги суратда эса бўлимнинг илғор сувчиси Холмурод Сафаров.

А. Тўраев фотолари.

МАРРАМИЗ 60 ЦЕНТНЕР

Колхозимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз қарорларига ўзларининг амалий ишлари билан жавоб беришяпти. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган май Пленуми, СССР Олий Совети VI сессияси материаллари ва СССР Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, уларда баён қилинган қимматли фикрларни тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Мазкур тарихий ҳужжатларда совет кишиларига катта ғамхўрлик ва уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш кўзда тутилган.

Хўжалигимиз деҳқонлари ўнинчи беш йиллик иккинчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада мўл ҳосил етиштиришга, Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини ёрқин юз билан кутиб олишга қарор қилганлар. Бригадамиз аъзолари эса 60 йилликка 60 центнердан пахта хирмони кўтаришни мўлжаллаб туришибди. Бунинг учун тўла асос яратиляпти. Деҳқонларимиз бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил тўплашни таъминлаяптилар.

Яхши ният билан қилинган харакатларимиз зое кетмаяпти. Ғўзаларимиз соғлом, кўчатлар бўлиқ, ҳар бир ниҳол бир текисда гуллаб, шода-шода кўсак тугмоқда. Ғўзани суғориш, культивация қилиш ва озиқлантириш ишлари илғор агротехника тадбирлари асосида ўтказиляпти. Ҳозиргача катта майдонларга экилган ниҳоллар тўрт марта культивация қилинди. Уч маротаба озиқлантирилди.

Ғўза парвариши даврида колхоз правлениеси ва партия комитети зарбдор юз кунлик эълон қилган. Белгиланган тадбирларга мувофиқ ҳар беш кунда бажарилган ишларга якун ясалади, ғолибларга мукофотлар берилади. Бу соҳада бригадамиз аъзолари ҳамиша пешқадамлик қилишяпти.

Ғўза парвариши даврида июль ойи ҳал қилувчи зарбдор ой ҳисобланади. Ҳар туп ғўзада камида 10—12 тадан тўқ кўсак ҳосил қиламиз. Қатор ораларига бешинчи комплекс ишлов беришни охирига етказамиз. Ғўзаларни вақтида суғорамиз, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирамиз. Шу мақсадда 40 тонна минерал ва органик ўғитларни қориштириб, тайёрлаб қўйдик. Махсус ҳовузлар орқали сувчилар уни ғўза қатор ораларига оқизишяпти. Район Советининг депутати, коммунист Абдулла Қорғдиев, Шариф Шаропов, Қаландар Халилов, Сотти Саидов, Камол Нажимов, Эркин Ражабов сингари сувчилар айниқса жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Бригадамизда деҳқонларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Дала шийпони деҳқонларимизнинг иккинчи уйига айлантирилган. «Зангори экран», радио, газ, кутубхона уларнинг хизматида. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бригадамизда, қолаверса хўжалигимизнинг ҳамма бригадаларида пахтадан юбилей йилида юксак хирмон кўтаришни таъминлайди.

С. НАСРУЛЛАЕВ,
Бухоро область Свердлов районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПЕШҚАДАМЛАР ТАЖРИБАСИДАН ЎРГАНИБ

Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошлиқ бригадаси 272 гектар майдоннинг ҳаммасидаги ғўзаларни чеканка қилиб бўлди. Деҳқонлар кўкламда экин майдонини 67 гектар кенгайтирдилар. Экин яхши парвариш қилиниши туфайли ҳар бир туп ғўзада бештадан ва ундан ортиқроқ бўлиқ кўсак бор. Йиғим-терим техникасининг ҳаммаси тахт қилиб қўйилди.

Т. Дадажонов ва унинг ўртоқлари Ставрополь ўлкасидаги Ипатово райони механизаторларининг тажрибаси билан танишиб чиққач, ғўза парваришини комплекс механизациялаш ва ҳосилни машинада териб олиш даражасини ўтган йилги 92 процент ўрнига 98 процентга етказишга аҳд қилдилар. Бригадада «оқ олтин»ни йиғиштириб олиш, уни тайёрлов пунктига ташиш плани ишлаб чиқилди. Механизаторлар қўшимча ишчи кучларини жалб қилмаган ҳолда пахтани ўз кучлари билан териш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-933» ПАРВОЗДА

1977 йил 22 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-933» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

(ТАСС).

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН МИҚДОРИДА МЕВА

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Қорақалпоғистон Автоном Республикаси боғбонлари ўнинчи беш йилликкинг иккинчи йилида Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига муносиб армуғон тайёрламоқдалар. Кўпчилик районлар, колхоз ва совхозлар меҳнат вахтасида ишлаб, бир йилда икки йиллик план миқдорида хўл мева тайёрлаш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Элликқалъа райони боғбонлари 250 тонна, Беруний-ликлар эса 215 тонна хўл мева тайёрлаб, автоном республикада биринчи бўлиб йиллик планларини ошириб адо этдилар. Шу кунларда бу районлар боғбонлари иккинчи план ҳисобига хўл мева топширмоқдалар. Районларда ўрик, олма, шафтоли ва бошқа мевалар мўл-кўл бўлди. Шу кунларда районларнинг хўжаликларида ҳар куни йиллик планнинг 8—10 процента миқдорида мева тайёрланмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ

МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ ҚЎШАЛОҚ РЕКОРДИ

Н. Лобач бригадаси бир кунда салкам икки минг метр ёпиқ дренаж қувури ётқизди. Буни нормадан деярли тўрт баравар кўп деса бўлади. «Узновгородводстрой» трестига қарашли «1-Тошкент» ихтисослашган кўчма механизация колоннасининг раҳбарлари, дўстлар ва ўртоқлар мелиоратив бригада аъзоларини гулдасталар билан табриклашди. Бригаданинг кунлик меҳнат ғалабаси ёнига мавсум рекорди ҳам қўшилди. Бригада мавсум давомида 75 километр ёпиқ дренаж қувури ётқизиб берди. Бригада 25 километр узунликда зах қочириш тармоғини қурса, йиллик топшириқни бажарган бўлади.

Тошкентни қайта тиклашда қатнашган белорус йигити Николай Лобач Шимск шаҳрига биринчилар қатори келди. Унинг кетидан хотини билан ўғли ҳам етиб келдилар. Командировка муддати аллақачон тугаб кетди. У бўлса бу ерда доимий ишлаб қолди. Новгород диёри унинг учун жонажон ўлкага айланди, чунки у бу ерларни обод қилишга ўзининг қалб қўрини қўшди, ўзини ноқоратупроқ ўлка қиёфасини ўзгартиришдан иборат умумхалқ ишининг қатнашчиси деб ҳис этди. 40 ҳунарнинг устаси бўлган Лобач бу ердаги Тошкент ва Наманган кўчаларида уйлар қурди, водопровод ўтказди, машина-механизмларни ремонт қилди ва созлади. Қувур ётқизувчилар бригадири қилиб тайинлангач эса, у қисқа муддатда коллективни илғорлар қаторига чиқарди. Ижодий изланувчан, тиниб-тинчимас Николай Даниловича қимматли ташаббус бошлади: Трестда биринчи бўлиб йириклаштирилган хўжалик ҳисоби бригадасини тузди. У ўн киши учун иккита кўп чўмичли экскаватор ажратиб берилишини сўради, бу эса иш кунини иложи борича тиғиздаштириш, техникадан унумли фойдаланиш имконини берди. Шундай бир мисолни олиб кўринг. 700 метрлик коллектор одатда икки-уч кун ичида қурилар ва экскаваторчи билан бир неча қувур ётқизувчи шу ишга овора бўлган пайтда бошқа одамлар бекор туришарди. Энди эса коллектор қазиш билан дренаж тармоғини қуриш айни бир вақтда олиб борилмоқда. Экскаваторчи Н. Талдонов коллектор қувурини ётқизиб бўлар-бўлмас қуритиш системасининг ярмиси тайёр бўлади. Сўнгра биринчи экскаватор дренаж қувури ётқизишга, иккинчиси эса навбатдаги магистрал канални қазишга ўтаверади.

Хўжалик ҳисоби мелиораторларни иш вақтинигина эмас, материалларни ҳам қаттиқ тежашга ундамоқда. Илгари дренаж қувурлари участкаларга тарқатиб берилар ва бўлажак система ўрнига махсус звенолар тарзида ўйиб қўйилар эди. Рўйрост айтганда, қувурларнинг 10 процентгача бўлган қисми синиб кетарди. Энди бу вазифаларни бригада ўз зимасига олиб, камёб материалнинг нобуд бўлишини мутлақо тугатди.

Бир кишининг бир неча касбни эгаллаб олиши ҳам мелиораторларга жуда қўл келмоқда. Бригада аъзоларининг деярли ҳар бири зарур пайтларда экскаватор машинисти ёки унинг ёрдамчиси ўрнини олиши, қувур ётқизиши, бўлажак трассалар режасини олиши ёки участкани текислаши мумкин. Ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб бригадани муваффақиятга эриштирди.

Мавсум бошларида бригада биринчи сентябргана «Ленинская искра» колхозида 262 гектар ернинг захини қочиришни кўзлаган эди. 139 гектарлик биринчи участкага хўжалик ҳозирнинг ўзидаёқ кўп йиллик ўт уруғини сочиб қўйди, иккинчи дала эса июль ойида экин экса бўладиган холга келтирилади.

Хўш, ишчиларнинг ўзи бундан қандай манфаат кўрмоқда? Улардан ҳар бирининг ўртача иш ҳақи эллик сўм миқдорида кўпайди.

Юбилей йили ва ўнинчи беш йилликкинг қишлоқ ва мелиорация қурилиши программасини барвақт бажаришга аҳд қилган владимирлик ва рязанлик мелиораторларнинг ташаббуси Николай Лобач ва унинг ўртоқларининг ишлари ҳамда режаларига ҳамоҳанг бўлиб тушди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача 210 километр дренаж қувури ётқизиш ва йил охиригача бир неча ўн минг сўмлик гидротехника иншоотлари қуришга бел боғлаганлар.

ШИМСК,
Новгород области.

В. ЧЕРНЯЕВ,
ТАСС мухбири.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Шу кунларда бутун мамлакатимизда СССР янги Конституцияси лойиҳаси кенг муҳокама этилаётганлиги совет халқларининг жонажон Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети атрофига тобора кўпроқ ва янада зичроқ жипслашаётганлигини ёрқин намойиш этмоқда. Барча совет кишилари қатори серқуёш республикамиз меҳнат аҳли ҳам давлатимизнинг Асосий Қонуни лойиҳасини якдиллик билан маъқуллямоқдалар. Зотан бу тарихий ҳужжат бошдан-оёқ партиямизнинг меҳнаткашлар манфаатлари тўғрисида, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оғишмай юксалтириш тўғрисида қилаётган зўр ғамхўрлиги билан суғорилгандир.

Мамлакатимиз Асосий Қонуни лойиҳаси тарихий тажриба ва революцион назариянинг янги хулосалари билан бойитилган, унда давлат қурилиши соҳасидаги ленинча принциплар ўз ифодасини топган.

Конституция лойиҳасида баён этилган янгиликнинг асосий йўналишлари — социалистик демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат бўлиб, бу нарса давлат ва жамият ишларини бошқаришда меҳнаткашлар оммасининг янада кенг иштирок этишлари асосида амалга оширилади. Лойиҳада аввало меҳнаткашларнинг энг оммавий ва энг кенг ташкилоти, социалистик давлатимиз сиёсий негизини ўзида ифода этувчи орган бўлмиш Советларни ташкил этишдаги ҳамда улар фаолиятидаги демократик принциплар яна ҳам ривожлантирилган.

Конституция лойиҳасининг 2-моддасида эълон қилинганидек: «СССРда бутун ҳокимият халқникидир.

Давлат ҳокимиятини халқ СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади.

Давлатнинг бошқа ҳамма органлари Советлар назорати остида ишлайди ва Советларга ҳисоб бериб туради».

Қуйидан тортиб то юқоригача ҳамма Советлар фаолияти ривожланиб боришидаги энг муҳим йўналишни кўрсатиб, шу йил 17 июлда СССР Олий Совети Президиуми мажлисида сўзлаган ўз нуткида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: «Ҳамма Советлар — ҳоҳ Олий Совет, ҳоҳ маҳаллий Совет — давлат ҳокимияти органларининг ягона бир системасини, умумхалқ давлати сиёсий негизини ташкил этишини Конституция лойиҳаси яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Коммунистик партия бизнинг ҳар қандай Советимиз олий ҳокимиятнинг бир қисми сифатида ўз компетенциясига доир ҳамма масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлишидан ташқари, умумдавлат қарорларини ўтказувчи бўғин сифатида ҳам иш кўради, деган принципга ҳамиша асосланиб келди. Бу эса, ўртоқлар, ниҳоятда муҳим принципдир. Олий ва маҳаллий органларнинг бундай бирлиги, олий ҳокимиятнинг жойларда бошланган ташаббусга суяниши Советларнинг халқ оммаси билан чамбарчас алоқада бўлишидан иборат асосий моҳиятини акс эттиради».

Шу йил 19 июнь куни бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловларда сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашиб, шундан коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларини ёқлаб 99,97 процент сайловчи овоз бергانлиги халқнинг бузилмас бирлигини яна бир карра намойиш қилиб кўрсатди. Республикамиз бўйича 1319 маҳаллий Советга 93431 та депутат сайланди. Бу сайлов кампанияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг юқсак гражданлик фаолиятидан яққол далолат бериб, Коммунистик партиямиз ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб келаётганликларини ифода этиши билан бирга, ҳаётимиз Асосий Қонуни лойиҳасида баён қилинган совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликлари реал тарзда амалга ошиб бораётганлигини исбот қилди.

Янги сайланган Советлар ўнинчи беш йиллик эстафетасини ўз қўлларига олдиларки, бу эстафетани улар шараф ва ифтихор билан муваффақиятли равишда охиригача етказмоқлари керак. Бунинг учун улар ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан тўла фойдаланган ҳолда мамлакатимиз социал-иқтисодий ва маданий қурилиш планларини бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнашлари зарур.

Республикамизнинг ҳамма Советлари сессияларида СССР янги Конституцияси лойиҳаси атрофлича муҳокама қилиниб, уларда КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари ва бу Пленумда Конституция комиссияси Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладда баён этилган фикр ва хулосалар асосида Советлар олдига яна-да янги вазифалар қўйилди. Бу вазифаларнинг бажарилишини уюштиришда Советлар, уларнинг депутатлари ва кўп сонли активистлар аҳоли ўртасида катта иш олиб боришлари талаб қилинади.

Советлар сессияларида депутатлар Конституция лойиҳасининг ҳар бир моддасини зўр қизиқиш билан муҳокама қилар эканлар, бу моддаларни тасдиқлаш билан бирга, депутатлар уларга баъзи қўшимча ва таҳририй тузатишлар ҳам киритиш таклифи билан чиқдилар. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Р. Раҳмонова СССР Конституцияси лойиҳасининг 11-моддасидаги колхозлар эгаллаб турган ерлар текин ва бемуддат фойдаланиш учун уларга бириктириб қўйилади, деган қоидани тўла маъқуллаш билан бирга, айни вақтда бу моддада хўжаликларнинг **ердан тежамли ва унумли фойдаланиш, ҳар бир гектар ердан олинадиган иқтисодий самарадорликни йил сайин ошириб бориш соҳасидаги вазифаларни ҳам аниқ-равшан белгилаб қўйиш** фойдали бўлур, деган фикрни олга суради.

Тошкент шаҳар Совети депутати Р. У. Шоюсупов **67-моддада** гражданлар табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт деб ифода этилган қоидани **атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслар жавобгардирлар,** деган ибора билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб топади.

Бундай таклифлар турли хил масалаларни ўз ичига қамраб олиб, халқ вакиллари ҳаётимиз Қомуси моддалари нақадар мукаммал бўлишидан ғоят манфаатдор эканликларини кўрсатмоқда. Чунончи, Тошкент шаҳар Ҳамза район Совети депутати Т. А. Даминов **44-моддада уй-жой фондининг яхши сақланиши ва ундан фойдаланиш борасида гражданларнинг масъулиятини белгилаб қўйиш зарур,** деб ҳисобласа, Тошкент шаҳридаги 176-мактаб директори, Фрунзе район Совети депутати Т. Г. Филенко **болалар тарбияси масаласида ота-оналар масъулиятини конституцион тартибда мустаҳкамлаб қўйишни** мақсадга мувофиқ деб топади, Тошкент шаҳар Совети депутати Ҳ. Ойметова эса лойиҳанинг **40-моддасида мутахассислар тайёрлаб етиштиришда мураббийликнинг ролини акс эттириш лозимлигини таклиф қилади ва ҳоказо.**

Депутатларни айниқса халқ вакилларининг ҳуқуқ ва вазифалари баён қилинган моддалар кўп қизиқтирмоқда. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Шералиева лойиҳанинг 105-моддасида: «Депутат ўз иши ва Советнинг иши тўғрисида сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриши шарт», дейилган қоидани **«Депутат Совет ишида актив қатнашмоғи, ўз иши ва Советнинг иши тўғрисида, шунингдек сайловчилар нахаслари қандай бажарилаётганлиги ҳақида сайловчилар олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туриши шарт»,** деган таҳрирда бериш ни таклиф қилади.

Бизда бутун ҳокимият ва мамлакатнинг ижтимоий бойликлари халқнинг қўлида экан, у жамики давлат ишларини Советлардаги ўз вакиллари орқали амалга оширади. Бу эса халқ депутатлари зиммасига жуда катта масъулият юклайдики, улар ҳамиша ва ҳамма ерда сайловчилар иродасининг чинакам ифодачисидир.

Давлатимизнинг Асосий Қонуни лойиҳаси депутатларнинг шахси, ҳуқуқ ва вазифалари, қадр ва қимматини ҳимоя қилишга қаратилган совет қонунларидаги бир қатор талаб ва тавсияларни Конституция йўли билан гарантиялаб, уларга янги мазмун ва маъно бахш этади. Бу ҳол эса ҳаётимизнинг ана шу ажойиб ҳужжатида ўз аксини топган янгиликнинг асосий йўналиши — социалистик демократиямизни тобора кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат, деган ажойиб фикрни яна бир тасдиқлайди.

О. ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ишлар мудири, юридик фанлар кандидати.

ЭЪТИҚОДИМИЗГА МОС

В. И. Ленин тузган Совет давлатининг Асосий Қонунлари, айниқса, инсонни улуғлаш, унинг ҳар томонлама ўйғун ривожланиши учун беқиёс кенг ва қулай имкониятлар яратиб беришга қаратилганлиги, ўзининг илмийлиги, изчиллиги, инсонпарварлиги ва ҳаётбахшлиги билан башарият тарихида алоҳида ўрин тутиб келади. Унинг муҳим белгилари СССР янги Конституциясининг лойиҳасида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қилган докладида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди ва янги тарихий вазият тақозо этган моддалар билан бойитилди.

Лойиҳада совет гуманизми ва интернационализмининг тантанаси яна бир марта намойиш этилди. Совет кишисининг камолоти, унинг онласи ҳақида, фарзандларининг рисоладаги шахс бўлиб етишуви тўғрисида Коммунистик партия ва Совет давлати кўрсатаётган ғамхўрлик, яратилаётган имтиёзлар нимани тўлқинлантирмайди, дейсиз. Ана шу моддаларни катта қониқиш билан ўқир эканмиз, дунёда энг адолатли тузум бўлган Совет давлатининг граждани, деган ном билан яна бир марта ҳақли равишда фахрланиб кетасан, киши.

Совет давлати инсонни ўзўзига танитди. Унинг ҳуқуқлари ҳам, шахс эркинлиги ҳам, бурч ва мажбуриятлари ҳам қонун йўли билан мустаҳкамланган. Янги Конституция лойиҳасида шахснинг нафсонияти, қадр-қиммати, ор-номуси ва уларни ҳимоя қилиш ҳам қайд этилган: «Шахсни ҳурматлаш, совет кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш — барча давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг ва мансабдор шахсларнинг бурчидир».

Фахрланмай бўладими! Ўтган салкам 60 йил ичида совет кишилари ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар одамлар психологиясида, ахлоқ ва маданиятида ҳам чуқур ижобий из қолдирди: кишилар орасида олижаноб муносабатлар қарор топди.

Лойиҳада шахс қадр-қиммати, ор-номуси ва эркини ҳимоя қилиш тўғрисида кўнгилдаги гаплар ёзилган.

Лойиҳада оила ва бола тарбияси масаласига жуда катта ўрин берилган. Бу, айниқса, биз — педагогларга ғоят манзур тушди.

Бола тарбияси, аввало, давлатнинг ўзи учун муҳим сиёсий ва иқтисодий вазифадир. «Болалар тарбияси ҳаётнинг энг муҳим соҳасидир, — деган эди совет педагоги А. С. Макаренко. — Болаларимиз мамлакатимизнинг бўлажак гражданларидир. Улар тарихни ижод қиладилар. Болаларимиз — бу, бўлажак ота ё оналардир; улар ҳам ўз болаларини тарбиялайдилар. Болаларимиз ажойиб гражданлар, яхши оталар, гўзал оналар бўлиб ўсмоқлари керак».

Шуни зўр фахр билан айтиш керакки, ижтимоий тузумларнинг бирортаси ёшларнинг ўқиши ва тарбияси масаласини биздагидек изчил, тўғри ва илмий ҳал этмаган. Совет тузумигина оммانинг ўқишини демократик тарзда ва юқори савияда ташкил этмоқда. Энг яхши бинолар бизда мактаблар учун ажратилган. Синфлар техниканинг энг сўнгги мўъжизалари билан жиҳозланган. Ўқиш бепул. Айрим мактабларда ҳатто илмий унвонли ё илмий даражали ўқитувчилар ишлашади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида студентларга стипендиялар тўланади.

Мактаб ўқувчиларининг ва студентларнинг аксарияти бу ғамхўрлиққа жавобан, фан асосларини қунт билан ўрганмоқдалар, Ватанимизнинг муносиб гражданин бўлиб етишиш учун интилмоқдалар.

Шу билан бирга бўш ўқиётган, ўзлаштира олмаётган, интизомни бузаётган, баъзан жиноий ишга қўл ураётган ёшлар ҳам бор. Ана шундай ўқувчиларнинг номатлуб хатти-ҳаракатлари тўғрисида матбуот саҳифаларида баъзан жиддий гаплар ёзилмоқда.

Ким айбдор? Бу савол ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Кўп ҳолда бизнингча, бунга ота-оналар сабабчи. «Яхши ота-оналарнинг яхши тарбияси бўлмаса, — деган эди Н. Карамзин, — барча мактаблар, институтлар ва пансионатларнинг қўлидан ҳам ҳеч иш келмайди».

Айрим ота-оналарнинг дастлабки хатоси шуки, улар ўз фарзандларини мактабга бериш билан ҳамма масъулиятни ўқитувчилар зиммасига юклаб, ўзларини фақат фарзандларини кийинтирувчи ва едирувчи шахс тарзидагина тушунмоқдалар. Ўйда бола тарбияси билан шуғулланмайдилар, мактабларга йиллаб келмайдилар, ҳатто ота-оналар мажлисига ҳам қатнашмайдилар.

СССР янги Конституцияси лойиҳасида шундай дейилади: «СССР гражданлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстириши шарт». Шу моддага ўз **фарзандларини ўқитиш ва тарбиялаш ишига масъулиятсиз қарайдиган ота-оналар қонун олдида жавобгардирлар,** деган жумлани қўшиш лозим бўлармикан.

Ҳ. РУСТАМОВ,
Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг доценти, филология фанлари кандидати.

Ўзбекистонда атлас тўқила бошлаганлигига икки минг йилдан ошди. Тарихчиларнинг бир неча йиллик тадқиқотлари буни аниқлаб берди. Шунинг учун ҳам табиий ипакдан тўқилган матонинг шуҳрати узоқ-узоқ йилларга бориб тақалади. Атлас тўқувчиларнинг доврўғ таратган шаҳри ҳозирги Марғилон территориясида жойлашганлиги ҳам аниқ эътироф этилди. Бу шаҳар Хитой, Кичик Осиё, Марказий Европа, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг карвон йўлларида жойлашган эди.

Атлас тўқиш касб-кори 2 минг йилдан ошиб кетган бўлса ҳам, ишлаб чиқариш техникаси ўша-ўша ибтидоий усулда бўлиб, асосан қўл меҳнати билан бажариларди. Шу боисдан ҳам бу оғир машаққатли ҳунар билан фақат эркакларгина шуғулланишган.

АТЛАС ЖИЛВАСИ

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти тузилгандан сўнг атлас тўқувчиларга техника кўмакдош бўла бошлади. 1962 йилдан бошлаб майда тарқоқ кооператив артеллар ўрнида «Атлас» давлат фирмаси тузилди. Атлас тўқиш ишида қўл меҳнатига барҳам берилди. Механизация ёрдамида атлас тўқиш ишлари унумли бўлиб, айни чоғда газламаларнинг сифати беқиёс ошди. Турли-туман ва ранг-баранг атласлар вужудга келди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг сони қисқариб, атлас тўқиб чиқариш деярли 10 баравар кўпайди.

«Атлас» фирмасининг фидокор коллективи бу соҳада жуда катта меҳнат қилди. Ихтиёрчилик ва рационализаторлик ҳаракати авж олдирилди. Янгидан-янги дастгоҳлар яратилди ва поток линиялар вужудга келтирилди. Натижада ҳонатлас ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари механизация зиммасига юклатилди. Эндиликда фирманинг ижодкор коллективи элга манзур бўлган ажойиб ҳонатласлар яратмоқдалар. Бу соҳада фирма лабораториясининг ва ассортимент кабинетининг ходимлари Зарина Турсунова, Ўлмас Камолова, Малика Нурматова сингари синчков ва талабчан хизматчилар янгидан-янги сержило газламаларнинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Суратларда: З. Турсунова, Ў. Камолова ва М. Нурматовалар.

Г. Бойко фотоси.
ЎзТАГ фотохроникаси.

МОСКВАДА ЯНА ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА ХАЙР!

X МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ТАНТАНАЛИ ЕПИЛДИ

Москвада 21 июль куни жаҳон тараққийпарвар киноси эришган муваффақиятларнинг катта кўриги поёнига етди.

X халқаро кинофестивалнинг ёпилишида қатнашмоқ учун марказий концерт залига минг-минглаб томошабинлар келишди. Фестиваль ташкилот комитети ва дирекциясининг аъзолари, конкурслар жюриларининг аъзолари, фахрий меҳмонлар, жамоатчилик намояндалари президиумда ўтиришибди.

Конкурслар жюриларининг раислари — СССР халқ артисти С. И. Ростоцкий, РСФСР халқ артисти А. И. Медведкин, санъатшунослик доктори К. К. Парамонова ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида голибларнинг номларини эълон қилиб, фестиваль мукофотларини топширдилар.

Тўла метражли бадиий фильмлар конкурсининг жюриси «Бешинчи тамға» (режиссер Золтан Фабри, Венгрия Халқ Республикаси), «Ҳафтанинг охири» (режиссер Хуан Антонио Бардем, Испания), «Мимино» (режиссер Георгий Данелия, СССР) фильмларига учта олтин соврин берди.

Жазоирнинг «Умар» фильми (режиссёр Мерзак Аллауаха), Болгариянинг «Ҳавза» фильми (режиссёр Бинка Желязкова), Францияннинг «Қасрлар сояси» фильми (режиссер Даниэль Дюваль) фильми кумуш совринларга сазовор бўлди.

Совет картинаси «Чили узра тун» фильми (режиссерлар Себастьян Аларкон ва Александр Косарев) Чили халқи курашининг актуал мавзулари ҳал этилганлиги ва дебюти учун ҳамда Куба фильми «Рио негро» фильми (режиссер Мануэль Перес) революцион ўзгаришларнинг мавзуларини мужассамлаштиргани учун жюрининг махсус совринларини олди.

Аёллар ролини энг яхши ижро этганлик учун совринларни Мари Апик («Боши берк кўча» фильми, Эрон), Мерседес Каррерас («Ақлдан озган аёллар» фильми, Аргентина) олди. Амзе Пелла («Ҳукм» фильми, Румния Социалистик Республикаси), Радко Полич («Идеалист» фильми, Югославия Социалистик Федератив Республикаси) эркаклар ролини энг яхши ижро этувчилари деб топилди. Пеле Дорацио («Элвис!» фильми, Швеция) жюрининг махсус дипломи ҳамда эсдалик совғаси билан мукофотланди.

Қисқа метражли фильмлар конкурсининг жюриси «Майер-нинг мероси» (ГДР) ва «Висмар дараси» (Испания) фильмларига иккита олтин соврин берди. «Орбитага командировка» (СССР), «Янги адреслар» (Вьетнам Социалистик Республикаси), «Ман этилган» (Туркия) кино лента лари кумуш совринларга сазовор бўлди. «Звено» (Болгария Халқ Республикаси фильми ва Чили ватанпарвар кучларининг кино программаси («Гитлер — Пиночет», «Революцияни тўхтатиб бўлмайди», «Бу кўзлар, бу умидлар») махсус совринга сазовор бўлди. «Чинакам мусаффо осмон» (Япония), «Фасад» (Германия Федератив Республикаси), «Эгей Америка» (Швеция) фильмлари махсус дипломлар билан тақдирланди.

Болалар учун фильмлар конкурс жюриси Австралия фильми «Ўғил бола ва океан» (режиссёр Ганри Сафран) фильмига олтин соврин беришга қарор қилди. «Бировга бериб бўлмайдиган калит» (СССР), режиссёр Динора Асанова кинолентаси жюрининг махсус соврини билан тақдирланди. «Ҳаво шарчаси» (Болгария Халқ Республикаси, режиссёр Эмил Абажиев), «Ялтироқ шарча» (Буюк Британия, режиссёр Харли Коклисс), «Улкан соврин» (Норвегия, режиссёр Иво Каприно) картиналари кумуш совринлар билан мукофотланди.

Жюри махсус дипломи режиссёр Камара Камоловага «Аччиқ мева» (СССР) бадиий фильмида боланинг ички дунёсига чуқур кириб борганлиги ва муваффақиятли дебюти учун берилди. Болалар учун фильм музика манзарасини ривожлантиришдаги принципиал куч-ғайрати ва фильмларни биргаликда ишлаб чиқаришдаги муваффақиятли тажрибаси учун румин режиссёри Елизабет Бостан жюрининг махсус дипломига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқидаги жамоат ташкилотларининг совринлари ҳам топширилди.

Фестиваль ёпиқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи давлат гимни тантанавор янграйди.

Москва фестиваль билан хайрлашади. Олдинда совет диёрида янгидан-янги учрашувлар турибди.

И. ВЕКСЛЕР,
М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун 2-Самарқанд область касалхонасининг бош врачи Нормурод Исломович **Жабриева** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун Сурхондарё область Денов районидаги юқумли касалликлар касалхонасининг бош врачи Евдокия Ефремовна **Мокровага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳоли соғлиғини сақлаш ишларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун Сурхондарё область Денов шаҳридаги пахта заводи соғломлаштириш пунктининг мудираси Любовь Федоровна **Кудиновани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳоли соғлиғини сақлаш ишларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун Сурхондарё область Денов район Хайробод пахта заводи соғломлаштириш пунктининг мудири Геннадий Гилимитинович **Хайритиновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БУҒУН — САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЮКСАЛИШ

Бугун — Савдо ходимлари куни. Бу кун ҳар йили ютуқларимиз кўриги сифатида байрам қилинади. Яқиндагина КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Савдо-сотиқни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» муҳим қарор қабул қилди. Унда шу нарса таъкидланадики, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамда аҳоли пул даромадларининг ўсиши асосида шаҳар ва қишлоқларда савдо-сотиқ муттасил ривожланиб борянти. Тўқкизинчи беш йилликда чакана товар оборотининг ҳажми 36,4 процент кўпайди. Шаҳарларда ва қишлоқ жойларда замонавий машина-ускуналар билан таъминланган катта-катта магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари қурилди. уларда харидорлар учун қулай хизмат шакллари қўлланилмоқда.

Шу нарсани айтиб ўтиш муҳимки, республикамизда ҳам савдонинг моддий-техника базаси янада тараққий этди. Ўтган давр мобайнида магазинлар сони 650 тага кўпайди. Савдо майдонларининг ўсиши эса 75 минг квадрат метрни ташкил этди. 22 минг тонна сабзавот, картошка сигадиган омборхона қурилиб, ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси савдо соҳасидаги муҳим иқтисодий кўрсаткичларни муваффақиятли бажариш имконини берди.

Бу йил республикамиз савдо ходимлари айниқса кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Улуг Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, улар юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Республика бўйича ярим йиллик чакана товар обороти плани 101,4 процент адо этилди. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари ҳам ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар. Бу йил сабзавот маҳсулотлари сотиш бирмунча дуруст ташкил этилди. Баҳорда картошка келтирилганлиги аҳолини бу маҳсулот билан таъминлашга самарали таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигида теплица хўжалиги тараққий этди. Ўтган давр мобайнида магазинлар сони 650 тага кўпайди. Савдо майдонларининг ўсиши эса 75 минг квадрат метрни ташкил этди. 22 минг тонна сабзавот, картошка сигадиган омборхона процент бажарилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди.

Янги беш йилликнинг иккинчи йилида республикамиз кооператорлари айниқса зўр меҳнат қилмоқдалар. Улар қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мамлакатимизнинг йирик саноат марказларига сабзавот, хўл мева етказиб бериш ишида муваффақиятли олиб борилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ҳамда тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида» яқинда эълон қилган қарори матлуботчилар олдига катта вазифалар қўяди. Кооператорларимиз юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олишда қишлоқ меҳнаткашларига энг яқин кўмакдош бўладилар.

Кейинги йилларда савдо соҳасида фақатгина сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Халқ хўжалиги муттасил тараққий этаётганлиги Ватанимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошаётганлиги туфайли совет кишиларининг моддий ва маданий даражаси мунтазам юксалмоқда. Аҳоли кўплаб маданий ва маиший товарлар сотиб олмоқда. Телевизорлар, радиоприёмниклар, мебеллар, гилам ва гилам маҳсулотлари, чинни идишлар, енгил автомашиналар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Ленин, харидорларнинг талабларини тўла қондира олмаяпмиз. Чунки бу товарларни ишлаб чиқариш харидорлар талабидан маълум даражада орқада қолмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларига асосан халқ истеъмол моллари савдо ташкилотларининг ана шу товарларга бўлган буюртмалари ва таклифлари бўйича ишлаб чиқарилади. Лекин, савдо ташкилотларининг барча буюртмаларини қондира олмаяпмиз. Республикамиз саноати шу йилнинг биринчи ярмида савдо ташкилотларига анчагина миқдорда товарлар етказиб бера олмади. Харидорлар ўзлари учун зарур товарларни етарли харид қилолмадилар. Республика Енгил саноат министрлиги шу кунгача қатор тайёр кийим-кечаклар етказиб бериш бўйича 1977 йилги шартномани тузмадилар. Мебель саноати министрлиги эса мебелларнинг қайси турларини ишлаб чиқариш тўғрисида ҳали келишиб олгани йўқ. Биз Енгил саноат министрлиги савдо ташкилотларининг буюртмаларини яна қайта кўриб чиқадилар ва савдо ташкилотлари буюртмаларини бажариш учун зарур чора ва тадбирларни кўрадилар, деб ўйлаймиз. Ишлаб чиқаришдаги товарларнинг сифатини яхшилашга ҳам эътибор бермоқ керак.

Аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабларини қондириш учун савдо маданиятини янада юксалтириш, харидорлар учун қулай хизмат усулларидан фойдаланиш, уларнинг мол харид қилишга кетадиган вақтини тежаш мақсадида савдонинг энг илғор усулидан биринчи навбатда ўз-ўзига хизмат қилиш методидан кенг фойдаланиш зарур. Шунинг учун савдо ташкилотлари хизматнинг бу усулини кенг қўлламоқдалар. Йирик ҳажмли товарларни харидорнинг уйига эltиб бериш учун буюртмалар қабул қилмоқдалар. Холодильниклар, телевизорларни жойлаштириш учун техника хизмати кўрсатилмоқда.

Харидорлар талабини ўрганиб, уларни умумлаштирадиган магазинлар кўпаймоқда. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб ўзига-ўзи хизмат қилишнинг товар оборотидаги салмоғи 60 процентга етказилади. Бошқача қилиб айтганда, ўз-ўзига хизмат қилиш савдонинг энг асосий шакли бўлиб қолади.

Магазинларни ихтисослаштириш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу магазинларда йирик ҳажмли товарлар, шунингдек, турли хил товарларни сотишни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу меҳнаткашлар талабини тўлароқ қондиришга, хизмат маданиятини юксалтиришга имкон берган бўлур эди.

Меҳнатни механизациялаш, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш соҳасида савдо ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Товарларни сақлаш ва ташишда контейнерларни қўллаш, умумий овқатланиш соҳасида комплекс овқатларни тарқатиш ва комплектлаштиришни механизациялаш автоматик усулда бошқариш йўлларидан фойдаланилмоқда. Электрон касса аппаратлари ва тарозилардан ҳам фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, хизмат соҳасига техника прогресси тобора чуқур кириб бормоқда. Шу нарсани айтиш кифояки, бу йил сабзавот савдосида 20 минг контейнердан фойдаланилди.

Маълумки, ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тарбиялаш савдо ташкилотлари олдида турган асосий вазифалардандир. Шу нарсани кувонч билан қайд қилиш керакки, кейинги йиллар да савдо корхоналарига жуда кўп ёшлар, хотин-қизлар келиб қўшилди. Давлат савдо корхоналарида ишлаётганларнинг кўпчилиги аёллардир.

Партия ва ҳукуматимиз савдо ходимларининг меҳнатини юқори баҳоламоқда. Фақат тўққизинчи беш йиллик якунлари бўйича 159 киши ва 1976 йил якунлари бўйича 106 киши орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Шу кунларда савдо ходимлари Улуг Октябрнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил интилмоқдалар. СССР янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида актив қатнашмоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, партия ва ҳукуматимизнинг «Савдо-сотиқни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қароридан руҳланган республика савдо ходимлари КПСС XXV съездининг совет халқи фаровонлигини ошириш, аҳолига савдо хизматини яхшилаш борасида қабул қилган қарорларини муваффақиятли амалга оширадилар. Меҳнаткашларга бундан буён ҳам намунали хизмат кўрсатадилар, уларга қулайликлар яратиш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

Г. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министри.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон маккажўхорикорларининг Краснодар ўлкаси, Чехословакия ва Болгария маккажўхорикорлари билан мусобақаси совет кишиларининг диққат эътиборини ўзига жалб қилаётганлиги ва республика маккажўхорикорлари зиммасига ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ошириб дон етиштиришда катта масъулият юклаши алоҳида таъкидланган. Бу қарорда: «Ҳосилни йиғиштириб олингандан кейин бўшаган далаларга дарҳол такрорий экинлар экилсин», — деб таъкидлаб ўтилган.

Такрорий экинлар экиш мўл озуқа ва дон етиштиришни кўпайтиришда катта резерв бўлиб хизмат қилади. Республикамизда такрорий экинлар, жумладан, маккажўхори экиладиган майдонлар йил сайин кенгайиб боряпти. Илгор колхоз ва совхозларнинг ютуқлари, илмий тадқиқот муассасаларининг тажрибалари шуни кўрсатадики, суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланиб, такрорий экин экиш йўли билан дон, силос ва бошқа ширали озуқа етиштиришни анча кўпайтириш мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР — ОЗУҚА ВА ДОН РЕЗЕРВИ

Бундан ташқари, такрорий экин экиш агротехникаси моҳирона қўлланилса, далаларни бегона ўт илдизларидан тозалашга имкон беради, тупроқда органик моддаларнинг кўпроқ тўпланишини таъминлайди.

Бу йил республикамизнинг жанубий областларидаги кўпгина хўжаликларида ҳам суғориладиган ерларда такрорий экинлар анча майдонни эгаллайди. Аммо такрорий экин экишга эътибор берилмаётган ва бу соҳадаги имкониятлардан фойдаланмаётган областлар ҳам бор. Бунга Жиззах, Бухоро ва Фарғона областлари мисол бўла олади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг шу йил 19 июлга берган оператив маълумотига кўра, Жиззах областида такрорий маккажўхори экиш плани 62 процент бажарилган. Планда белгиланган 5900 гектар ўрнига 3631 гектар ерга такрорий маккажўхори, 200 гектар ўрнига 24 гектар ерга мош экилган. Бухоро областида такрорий маккажўхори экиш плани 52 процент бажарилган. Бу областда 3400 гектар ерга такрорий маккажўхори экилиши зарур бўлгани ҳолда, 1767 гектарга экилган, холос. Сирдарё областида эса, такрорий маккажўхори экиш плани 68 процент бажарилиб, 4600 ўрнига 3100 гектарни ташкил этади. Фарғона областида бу кўрсаткич 45 процент бўлиб, 3000 гектар ўрнига 1331 гектар ерга такрорий маккажўхори экилган.

Айниқса, республикамизнинг Баликчи, Пахтобод, Иштихон, Булунғур, Нарпай, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Ленинград, Тошлоқ, Риштон, Ўзбекистон ва Фарғона районларида дон учун такрорий маккажўхори экиш қониқарсиз ташкил этилган. Бу районлар хўжаликларида такрорий маккажўхори экиш плани атиги 30-60 процент бажарилган, холос.

Ҳозирда ҳамма жойда бошоқли дон ҳосили ўриб-йиғиб олинди, шунингдек республика колхоз ва совхозларида ана шу экинлар экилган суғориладиган майдонлар бўшади, ўтган йилдагига нисбатан маккажўхорини силос ва дон учун ўриб-йиғиб олиш 10-15 кун илгари бошланди. Партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларнинг вазифаси такрорий экин экиладиган майдонларни кенгайтириш учун барча тадбирларни кўришдан иборатдир. Такрорий экинларни ўз вақтида ва сифатли парвариш қилиш бу экинлардан юқори ҳосил олишнинг муҳим шарти эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Ҳар бир хўжаликда бу соҳага алоҳида эътибор билан ёндашилса, кўп ҳаражат қилмасдан такрорий экинлардан қўшимча озуқа ва дон йиғиб олиш, жамоат чорвачилиги озуқа базасини мустаҳкамлаш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. А. АШУРОВ ВА В. И. БАЙМЕЕВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун Фарғона область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ахад Ашурович **Ашуров** ва Тошкент шаҳар Фрунзе районининг прокурори Виталий Иванович **Баймеев** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВ.

1977 йил 22 июль, Тошкент шаҳри.

Жиззах областининг Мирзачўл районидаги 22-«Ўзбекистон» совхозида маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирилди. Шу кунларда хўжалик маккажўхорикорлари етилган экинни йиғиштириб олишга киришмоқдалар. Суратларда: (чапдан) совхознинг марказий ремонт устахонаси инженери ўринбосари У. Тошматов, механик А. Шмуригин ва 6-бригада бошлиғи К. Бобомуродов ўртоқлар.

Ю. Богданов фотолари.

САПЁР НЕВАРАСИ

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ҲИКОЯ

Қундузи ҳаво очиқ эди, оқшомда шудринг тушди, сўнгра аччиқ изғирин турди-ю, хор-хашак учидаги қировни дув тўкди. Хуфтонга яқин онда-сонда сайраб турган қушлар товуши ҳам тинди, уларнинг овози «пўлат қуш» гумбири билан алмашди. Пастлаб учган самолёт далани еливб ўтди. Унинг шамолидан хашаклардаги қолган-қутган тамоми қиров тўзон бўлиб сочилди, жар ёқасидаги бульдозер скрейперлар, пайкалда тартибсиз ётган катта-кичик харсанг тошлар ялтиллаб қолди.

Бора-бора шудринг қировга айланди-да, далани нафис муз пардаси қоплади. Қўриқ ер қандайдир ваҳимали тусга кирди. Шалонь сойи бўйидаги ерларга тўсатдан қиш тушди-қолди.

Элчи Қодиров, хинчагина, бикиргина бульдозерчи йигит бундай тасодифни кутмаган эди. Осмонидан қуёш аримайдиган юртда ўсган, декабрда ҳам кўйлакда ёки пиджакда, яланг бош юриб ўргангани учун бу ерларда сентябрдаёқ қаҳратон совуққа дуч келиб қолишини у қаёқдан билсин. Мирзачўлдан баҳорда қандай чиққан бўлса Щимскда ҳам, унинг атрофидаги ноқоратупроқ қўриқларида ҳам шундайгина ҳаверди. У ҳозир ҳам енгил-елпи кийимда эди. Изғирин тобора кучайиб борар, Элчининг юпун кийимини тешиб, баданига нинадай санчиларди. Йигит гўё безгак тутгандай дағ-дағ титрар, кутилмаган қора совуқдан юзлари ачишиб, бармоқлари зирқирарди. Унинг кўз олдида ер текислаш агрегатларининг темирлари ҳам ях бўлиб гўё музга айланаётгандай эди.

Совуқ нималигини Элчи биринчи кўриши. Унинг назарида тўсатдан бостириб келган қиш ҳамма нарсани ўзига бўйсундириб, жами режаларини чиппакка чиқариб юборгандай бўлди ва бу хаёл таъсиридан теварак-атроф бастириб ётгандай эди. Бир маҳал экскаватор чўмичи гурсиллаб ерга шўнғиди зовурдан тупроқ ўрнига қора қуюн кўтарилди. Даҳшатли қора қуюн тўлқини Олимжонни эгардан узиб олиб, пастга улоқтирди. Район касалхонаси, область шифохонаси орқали, босқичма-босқич, мана, қўлтиқтаёқ билан уйига етиб келди.

Ўғли Олимжонга миндирганда, «Боравер, болам, пахтани энди сен ташийсан» деганича фронтга жўнаган. Олимжон ота касбини узоқ давом эттиролмади. Ёши тўлгач, уни ҳам армияга чақиришди. Ота Шимоли-Ғарбий фронтда, ўғли эса, Украина фронтида жанг қилдилар. Ота-сапёр, ўғил-танкчи...

Қодир-сапёр урушдан қайтмади. Танкчи Олимжон Будапешт жангларида яраланиб, қишлоғига қайтди. Уни ўша йили уйлаб қўйдилар. Турмуши ширингина бўлса ҳам Олимжон ҳадеганда фарзанд кўрмади. Ниҳоят, ўн бир йил деганда кўрган ўғлини яхши ният билан Элчи деб атади. Элчи ҳам қишлоқ мактабини битиргач, Ноқоратупроққа кетган отасининг касбини қилиб механизатор бўлиб олди. Унинг отаси Олимжон ўша кезда ўзбек мелиораторларининг биринчи отряди билан Новгород областининг Шимск районида ноқоратупроқ ерларини ўзлаштирмоқда эди. Онда-сонда келиб турган мактубларида Олимжон Элчига ўз падари бузруквори Қодир ота жанг қилган ва баҳодирона ҳалок бўлган ерларда ботқоқликни қуритиб, тошлоқларнинг бетини очиб экинзорлар яратаётгани ҳақида ёзарди. Кейинча узоқ вақт ундан қишлоққа хат келмай қолди. Элчи қаттик ташвишланди. «Нега дадам бедарак кетди экан? Бундай одати йўқ эди-ку!».

Хат-хабар ўрнига бир куни Олимжоннинг ўзи уйга кириб келди. Унинг ранги-рўйи бир ҳолатда эди. Улуғ Ватан урушининг инвалиди Олимжон қўриқ очаётиб меҳнат инвалиди ҳам бўлиб қолганди.

Бу воқеа ўша Элчи тунги постда турган ердан сал нарида, Олимжон коллектор қазиётган ботқоқликда юз берганди. Олимжон экскаватор солган майдонда «Текширилган, мина йўқ» деган ёзувларни ўз кўзи билан кўргани учун бемалол ишлаётган эди. Бир маҳал экскаватор чўмичи гурсиллаб ерга шўнғиди зовурдан тупроқ ўрнига қора қуюн кўтарилди. Даҳшатли қора қуюн тўлқини Олимжонни эгардан узиб олиб, пастга улоқтирди. Район касалхонаси, область шифохонаси орқали, босқичма-босқич, мана, қўлтиқтаёқ билан уйига етиб келди.

Элчи ишлаётган кўчма колоннадагилар уни «солдат ўғли» деб бекорга мақташмасди. Унинг бобоси Қодир аравакаш колхоз пахтасини заводга ағдариб, аравасини солдатлар ҳам оч қолган вақтлари бўлгандир. У вақтда балки бундан ҳам баттар мудҳиш, қўрқувли дақиқалар, кунларни кечирганлар. Ўшалар бундай пайтларда нима қилган эканлар?» деб ўйлади. Сўнгра: «Албатта қўл қовуштириб, шумшайиб ўтирмаганлар, улар тиним билмас одамлар эдилар» деб ўзига далда берди.

Элчи ишлаётган кўчма колоннадагилар уни «солдат ўғли» деб бекорга мақташмасди. Унинг бобоси Қодир аравакаш колхоз пахтасини заводга ағдариб, аравасини солдатлар ҳам оч қолган вақтлари бўлгандир. У вақтда балки бундан ҳам баттар мудҳиш, қўрқувли дақиқалар, кунларни кечирганлар. Ўшалар бундай пайтларда нима қилган эканлар?» деб ўйлади. Сўнгра: «Албатта қўл қовуштириб, шумшайиб ўтирмаганлар, улар тиним билмас одамлар эдилар» деб ўзига далда берди.

Элчи ишлаётган кўчма колоннадагилар уни «солдат ўғли» деб бекорга мақташмасди. Унинг бобоси Қодир аравакаш колхоз пахтасини заводга ағдариб, аравасини нарида, Олимжон коллектор қазиётган ботқоқликда юз берганди. Олимжон экскаватор солган майдонда «Текширилган, мина йўқ» деган ёзувларни ўз кўзи билан кўргани учун бемалол ишлаётган эди. Бир маҳал экскаватор чўмичи гурсиллаб ерга шўнғиди зовурдан тупроқ ўрнига қора қуюн кўтарилди. Даҳшатли қора қуюн тўлқини Олимжонни эгардан узиб олиб, пастга улоқтирди. Район касалхонаси, область шифохонаси орқали, босқичма-босқич, мана, қўлтиқтаёқ билан уйига етиб келди.

Элчи ишлаётган кўчма колоннадагилар уни «солдат ўғли» деб бекорга мақташмасди. Унинг бобоси Қодир аравакаш колхоз пахтасини заводга ағдариб, аравасини нарида, Олимжон коллектор қазиётган ботқоқликда юз берганди. Олимжон экскаватор солган майдонда «Текширилган, мина йўқ» деган ёзувларни ўз кўзи билан кўргани учун бемалол ишлаётган эди. Бир маҳал экскаватор чўмичи гурсиллаб ерга шўнғиди зовурдан тупроқ ўрнига қора қуюн кўтарилди. Даҳшатли қора қуюн тўлқини Олимжонни эгардан узиб олиб, пастга улоқтирди. Район касалхонаси, область шифохонаси орқали, босқичма-босқич, мана, қўлтиқтаёқ билан уйига етиб келди.

— Ҳайрият, бошингиз омон қолипти. Шунисига ҳам шукур, — деди хотини.

Элчи анча кунгача ишдаман, камгап бўлиб юрди-да, кунларнинг бирида уйига ҳовлиқиб келиб, онасига:

— Новгород областига комсомол-ёшлардан отряд юборилиптн. Мен ҳам ариза бердим, — деди.

Онаизор кўзига жиққа ёш олиб, ўғлини қучоқлади.

— Нима қилай, рўйхатга киритишди. У ёқда дадамнинг ўрни бўш қолди...

— Зорим бор, зўрим йўқ! — деди биркесар ўғлини бу йўлдан қайтаришга қурби етмаслигига ишонган она.

Шундай қилиб, Элчи Новгород областида ноқоратупроқ ерларни ўзлаштираётган механизациялашган колонналарнинг бирига келиб қўшилди. Колонна бошлиғи Павел Русаков Элчини ўз отасининг экипажига тайин қилиб, отасининг яқиндаги машинадан ремонтдан чиққан экскаваторини берди.

Павел Русаков Ўрта Осиёда совет замони мелиорацияси ишларини бошлаб берган рус мелиораторлари сулосаси мансуб эди. Унинг отаси Иван Русаков В. И. Ленин декрети гуфайли Мирзачўлга келиб, бутун умрини чўлни ўзлаштиришга бағишлаган эди. Унинг шогирдлари, шу жумладан, ўғли Павел Русаков ҳам «олмоқнинг бермоғи бор» деганларидек, замоннинг зайли билан Россия Ноқоратупроғини ўзлаштиришга келдилар. Павел Русаковнинг ғайратли одамлари ва кучли техникаси, неча асрлардан бери ғафлат уйқусида ётган забун ерларни уйготиб юборадилар. Уларнинг кучи билан не машаққатларда очилаётган қўриқ пешма-пеш ишга тушиб одамларга хизмат қилмоқда.

Бу мўқаддас бурчни Элчи Ноқоратупроққа келган биринчи дақиқалардаёқ яхши англаган эди. Шу билан бирга у бобоси жанг қилиб жон берган ва тинчлик даврида ҳам уруш асоратидан майиб бўлган дадаси қилиб улгурмаган ишни давом эттириш ишқида ёнарди. Ана шу қалб олови уни ҳозир чаёндай чақаётган совуқ заҳарга ҳам бардош беришга ундарди. «Бу ерларда бобом уч йил жанг қилган. Ўша вақтларда бундан баттарроқ совуқ бўлган. Қандай даҳшатли кунлар эди ўша кунлар! Қоп-қора ва узундан-узоқ эди ўша тунлар!».

Элчи атрофга боқди. Ваҳимали зимистон. Изғирин унинг юзини ялаб, баданини тешаётгандай. «Нега қараб турибсан, Элчи» деди-да, у боя текисланган ерларда тўпланиб қолган хашакларни тўпланиб тушди. Бир вақтлар дарё шу ердан оққанми ёки Ильмен кўли ташлаб кетганми, харсанг тошлар жуда кўп эди. Элчи харсанг тошларни четлаб ўтиб, сал нари юргач, бир қучоқ чириган хашакка йўлиқди. Гулхан қилса арзигудай. Чўнтакдаги эски бир газета ҳам, гугурт ҳам бор эди. Элчи хас-чўпларни бир ерга уйиб, тагига газета қистирди-ю, гугурт чақди. Элчининг иссиқ теккан қўлларига жон кирди, юзлари ловуллаб ёнгандай бўлди, бир оздан кейин иссиқ элитиб уйқиси келди. Лекин ухлаб қолишдан қўрқани учун у гулханни пасайтирмасликка уринди — қуқоқ-қучоқ хашак топиб келиб, кўрга ташлади. Гулханнинг шуъласида шапалоқдай тахтача кўзга чалинди. Ёзувни ўқиди: «Хушёр бўлинсин. Бу ерда портламаган бомба бор!».

Элчи бир сесканиб тушди. У гўё бомба устида ўтиргандай эди. Бомба оловдан дарҳол портлаб кетиши мумкинлигини ўйлагач, ваҳимаси яна кучайди-да, ўзини четга олди, нима қиларини билмай, довдираб қолди. Унинг бобоси Қодир ота бомбаю, мина ва фугасларнинг тилини биларди. бобоси бунақа «сюрприз»лардан нечасининг тишини қоқиб олган, портлатган Афсуски, бобоси Шалон бўйида бир неча бор қилган ишларини Элчи қилолмайди. Бобосидай унинг тилини билмаса-да, Элчи шерикларн келгунча бомбани гумдон қилмоқчи бўлди. «Бехосдан портлаган минадан дадамнинг ногирон бўлгани етар, бошқаларни фалокатдан сақлаш керак!» Элчи хашак ғамлади. Қоронғида кўзга зўрға чалиниб турган ёғоч тахтача устига атрофига тахлади. Сўнгра ёнр каністр бензинни тахтача остига жойлаб, хашакка туташтирди-ю, дарров қочди.

Хашак аввал тутади, кейин аланга олди, шамолда кучайган аланга гувиллаб каністр томон бораётганида Элчи анча нарида чуқур зовур ичида эди. Олов портлатган бензин бомбани осмони фалакка кўтарди. Унинг овозидан Элчининг қулоғи том битди, зовур четлари қулаб, устига тупроқ сочилди. Бомба портлаган бўлса ҳам, унинг гумбирлаган аксадоси ҳамон узоқ-узоқлардан эшитилади.

Атрофни жимлик босгач, Элчи зовурдан чиқиб, портлаш жойига борди. У ерда ҳовуздай чуқурликдан бўлак ҳеч нарса кўзга чалинмасди. Бомба зарбидан пайдо бўлган котлованга қараб, Элчи гўё ота-бобоси қатнашган урушнинг бир учқунини кўргандай бўлди. Элчининг баданини тер босиб, мўзлата бошлади.

Узоқдан йилтиллаб чироқ кўринди. Бир чироқ иккита фар бўлиб яқинлаб кела бошлади. Тарилаган товуш ҳам яқинлашди.

— Элчи! Бормисан? Нима бўлди? — деди трактордан сакраб тушган Павел Русаков.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, — жавоб қилди Элчи совуқдан тишларини такирлатиб.

— Ҳеч нарса! Нима портлади?!

— Бомба...

— Ахир, бу майдон даданг воқеасидан кейин миналардан тозаланган эди-ку?

— Битта қолган экан...

Тонг отгунча ер бети оппоқ оқариб қолди. Ер текислочилар отряди етиб келгунча Элчи «ўзим қилган ишни ўзим тинчитай», дедида, экскаваторини юргизиб, бомба ковлаган чуқурни текислаб қўйди. Тинимсиз майдалаб ёғиб турган қор, ҳиёл ўтмай ҳамма ёқни оқ пардага ўради. Сменага келган бульдозерчилар тунги ҳодисанинг асоратини ҳам сезмай қолдилар. Элчи уларга «Сапёрларнинг кўзидан қочиб портлатилмай қолган бомба бор экан, уни ўзим тинчитиб қўйдим. Ахир, мен сапёрнинг неварасиман...» деди.

Унинг дўстлари Павел Русаков кеча кечқурун белгилаб берган режаларини бажаришга киришдилар. Бульдозерлар қатор бўлиб тош, тупроқ суриб, собиқ окоплар, бомбаю снарядлар ўйган чуқурликларни текислай бошладилар.

Элчи ўша куни ва ундан кейин ҳам ҳеч вақт мина қидириш ва уни портлатишда иштирок этмаса-да, барча мелиораторлар уни бу ишнинг мутахассиси деб билар ва «Сапёрнинг неварасн» деб атарди.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ

Казанликдаги «Гидравлика» заводи коллективи «Юксак сифат ва пухталик учун» шиори остида меҳнат қилмоқда. Гидравлик тақсимлагичлар, насослар, пневматик цилиндрлар ва бошқа гидравлика асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган Болгариядаги ана шу ихтисослаштирилган бирдан-бир корхона маҳсулоти металл қириқиш станоклари, қишлоқ хўжалик ва йўл қурилиш машиналари, электрокарлар ишлаб чиқаришда, кемаларда кенг қўлланилмоқда.

Завод маҳсулотининг анчагина қисми Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Совет Иттифоқи завод маҳсулотининг асосий харидорларидан биридир.

КУБА

Гаванадаги Андрес Гонсалес Линарес номли олий балиқ овлаш мактабини навбатдаги мутахассислар битириб чиқишди. Ўз ҳаётларини балиқчиликдек машаққатли, аммо фахрли касбга бағишлашга қарор берган 300 киши диплом олди.

Андрес Гонсалес Линарес номли мактаб Кубанинг 1965 йилда Совет Иттифоқининг актив кўмагида барпо этилган ва жадал ривожланиб бораётган балиқ овлаш саноати учун кадрлар етиштириб берувчи маскан бўлиб қолди. Шу пайтгача у неча мингдаб капитанлар, штурманлар, механикларга ҳаёт йўлланмасини берди, бу мутахассислар Ватандан олисда, барча кенгликларда балиқ овлаб юришибди.

Куба бошқа мамлакатларга мутахассислар тайёрлашда кўмак бермоқда. Жумладан, Гайана ва Яман Халқ Демократик Республикасидан келиб таълим олган бир группа мутахассислар ҳам шу мактабни битириб чиқишганлари тўғрисида диплом олдилар.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ВЬЕТНАМНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚИ

Хавфсизлик Кенгаши Вьетнам Социалистик Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни якдиллик билан Бош Ассамблеяга тавсия этди. Ана шу халқаро ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар ғоят кўпчилигининг хоҳиш-иродасига қарамай, Қўшма Штатлар Вьетнамнинг БМТга киришига кейинги уч йил мобайнида каршилик кўрсатиб келган эди. Қўшма Штатлар ниҳоят, ўзининг ана шу ниятидан воз кечишга мажбур бўлди.

Вьетнам империалистик агрессияга ва сотқин қўғирчоқ режимга қарши, мустақиллик, миллатни қайтадан бирлаштириш учун кўп йиллар мобайнида оғир шароитда олиб борган фидокороне кураши билан халқаро майдонда жуда катта обрў-эътибор қозонди. Вьетнам қайтадан бирлаштирилиши натижасида Жануби-Шарқий Осиёда 50 миллион аҳолига эга бўлган йирик социалистик давлат вужудга келди. Бу давлат ер курраси нинг ана шу қисмида тинчлик ва халқаро хавфсизликнинг муҳим омили бўлиб қолди. Вьетнам Социалистик Республикаси мустақиллик, суверенитет, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик асосида қўшни мамлакатлар билан, жаҳоннинг барча давлатлари, шу жумладан АҚШ билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш тарафдоридир. Буларнинг ҳаммаси Вьетнамга БМТда ўзининг қонуний ўрнини эгаллашдан иборат адҳлсиз ҳуқуқини беради.

Қўшма Штатлар Вьетнамни БМТга қабул қилишга узоқ вақт қаттиқ қаршилик кўрсатиб келганлигининг боиси нима?

50-йилларнинг бошидан буён АҚШнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги бутун сиёсати социализм йўлига ўтиб олган ягона мустақил Вьетнамнинг қарор топишига йўл қўймасликни кўзда тутган эди. Бу ишлар қандай амалга оширилганлиги ҳозир ҳаммага аёндир. Вашингтон Вьетнамнинг жанубида коммунизмга ва халққа қарши қаратилган пуч режимни қуроллантирди ва озиқлантириб келди. Вьетнамда, сўнгра бутун Хинди-Хитойда «разил урушни бошлаб, очиқдан-очиқ агрессия йўлига ўтди, ҳозир таркалиб кетган СЕАТО ҳарбий блокидаги ўз «иттифоқчилари»дан баъзиларини бу урушга жалб этди ва шу йўл билан ўзининг ҳарбий ҳарада аралашувига қандайдир «халқаро тус» беришга уринди.

Кўп йил давом этган ана шу авантюра АҚШ учун қандай оқибатлар билан тамом бўлганлиги ҳам маълум. Вьетнам халқининг ғалабаси Жануби-Шарқий Осиёдаги бутун вазиятни тубдан ўзгартириб юборди, АҚШнинг шу райондаги позициясига путур етказди.

Қўшма Штатлар эндиликда воқеликка реал назар солиши, Вьетнам билан ўз муносабатларини янгича уюштириши лозим эди. Аммо Вашингтоннинг Вьетнам Социалистик Республикасига нисбатан ўтказиб келаётган сиёсий ва иқтисодий бойкоти аслида эски сиёсатни давом эттиришдан бошқа бир нарса эмас. Эндиликда Вьетнамнинг қайтадан бирлаштириш учун 1973 йилда Парижда тузилган битимни бузди деган даъволар, Вьетнам уруш вақтида бедарак йўқолган барча америкаликларнинг тақдири тўғрисида тўла ҳисоб бергани йўқ ва Вьетнамда гўё «инсон ҳуқуқлари бузилмоқда» деган сафсаталар Вьетнамга қарши кампания олиб бориш учун баҳона бўлди. Ваҳолонки, масалан, Париж битими тўғрисида гапирадиган бўлсак, АҚШнинг айнан шу битимда ёзилган ва ўз зиммасига олган мажбуриятлардан тамомила воз кечди. Американинг Вьетнамга қарши қилган агрессияси етказган жуда катта вайронагарчиликлар оқибатларини тугатишга АҚШ ўз ҳиссасини қўшиш мажбуриятини олган эди.

Ҳозирги кунда Вашингтонда АҚШ Вьетнам Социалистик Республикасининг БМТга киришига қаршилик кўрсатишдан воз кечиб, гўё эътиборга сазовор иш қилди, деган таассурот қолдирмоқчи бўладилар. Амалда эса бу нарса Оқ уйнинг тамомила якка ланиб қолганлигини кечикиб бўлса ҳам тан олганлигидан, Вьетнам халқининг ва бутун тараққипарвар инсониятнинг яна бир карра ғалаба қозонганлигидан далолат беради.

СИЙҚА ЙЎЛ

Шу ҳафта ичи Вашингтонда АҚШ президенти Ж. Картер нинг Исроил янги бош министри М. Бегин билан музокаралари бўлиб ўтди. Расмий хабарларга қараганда, бу музокаларада Яқин Шарқдаги аҳвол, жумладан чегаралар тўғрисидаги, Исроил билан араб мамлакатлари ўртасидаги тинчликнинг характери ҳақидаги, Фаластин проблемаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинган.

Музокаралардан аввал Тель-Авивнинг ўзида ҳам, шунингдек АҚШдаги яҳудийпараст забардаст корчалонлар ҳам шовқин-суронли кампания ўтказишди. Улар ўз куч-ғайратларини бирлаштириб, гўё Исроилнинг янги ҳукумати ўзининг ҳаммага маълум экстремистик позицияларидан қайтишга ва жанжални чинакамига тинч бартараф этишга кўмаклашишга тайёр, деган таассуротни вужудга келтиришга уриндилар. Бегин Америка пойтахтига олиб келган жанжални бартараф этишнинг «кенг камровли плани» деган махфий ҳужжат айниқса оғиз кўпиртириб мақтолди.

Бироқ, худди кутилганидек, машъум план амалда нейранг дан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлиб қолди. Исроилнинг босиб олинган территорияларни қайтариб бермаслик максади ва Фаластин давлатини вужудга келтиришга қарши унинг қатъий норозилиги планнинг асосини ташкил қилади. Бу план Исроилнинг Иордан дарёси ғарбий соҳилини мустамлакага айлантиришдан иборат бўлган ҳамда Тель-Авив «тарихий омилларини ва «хавфсизлик мулоҳазаларини рўкач қилиб оқлашга уринаётган ҳозирги практикани тўла-тўкис акс эттиради. Ҳозирнинг ўзидаёқ Исроил босиб олган ерларда 36 та яҳудийлар манзилгоҳи қуриб битказилди ёки қурилмоқда, ҳаммаси бўлиб эса 100 дан ортиқ ана шундай манзилгоҳ барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари Тель-Авив АҚШ воситачилигида айрим араб мамлакатлари билан музокаралар ўтказиб, шу тарика уларнинг позицияларини бўшаштиришга, уларни пароканда қилишга умид боғлашни истайди.

Гарчи араб мамлакатлари ҳозирги Исроил планига асос қилиб олинган йўлни неча марталаб рад этиб, уни ошкора экспансиячилик йўли деб атаган бўлсалар ҳам, Оқ уйнинг вакили, АҚШнинг фикрича, Исроилнинг таклифлари «кўриб чиқишга лойиқ», деган гапни айтди. Музокаралар тўғрисидаги расмий баёнотда АҚШ билан Исроил ўртасидаги «мустаҳкам дўстлик алоқалари» эслатиб ўтилади ва АҚШ президенти «Исроилнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш юзасидан Америка олган мажбуриятлар мустаҳкамлигини тасдиқлаганлиги» айтилади. Франциядa чиқадиган «Орор» газетаси шу муносабат билан «Исроил АҚШнинг имтиёзли иттифоқчиси бўлиб қолмоқда», деб уқтиради. Вашингтондагилар Исроилнинг 2 миллиард доллар миқдорида ҳарбий ва иқтисодий ёрдам олиш тўғрисидаги янги илтимосномаларига хайриҳоҳлик билан қараганликлари тўғрисида пайдо бўлган хабарлар ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Бинобарин, Исроил янги бош министрининг АҚШга қилган расмий визити арафасидаги сафсатабозлик асосий фактни яшира олмайди: Вашингтон ўзининг сийқа позицияларига ўжарлик билан ёпишиб олган Тель-Авивни рағбатлантиришни давом эттирмоқда.

Ҳолбуки 1967 йили Исроил томонидан оккупация қилиб олинган ҳамма араб ерларидаги Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилган тақдирдагина, шу райондаги барча давлатлар ва халқларнинг мустақиллик ҳамда хавфсизликка бўлган ҳуқуқлари ҳурмат қилинган ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, жумладан, унинг суверен миллий давлат тузиш ҳуқуқлари қайта тикланган тақдирдагина Яқин Шарқда чинакам тинчликка эришиш мумкин бўлади.

А. МИНЕЕВ, И. ЛАПИЦКИЙ, (ТАСС).

ХКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПЕКИН, 22 июль. (ТАСС). Бу ерда расмий равишда эълон қилинишича, Пекинда Ўнинчи чақириқ ХКП Марказий Комитетининг 3-пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Хуа Го-фэнни ХКП Марказий Комитетининг Раиси ва ХКП Марказий Комитети ҳарбий кенгашининг раиси лавозимларига тасдиқлади.

Дэн Сяо-пинни унинг аввалги ҳамма лавозимларида, жумладан ХКП Марказий Комитети Раисининг ўринбосари, ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари ҳамда Хитой Халқ озодлик армияси Бош штабининг бошлиғи лавозимларини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумки, ўтган йил 7 апрелда Мао Цзэ-дунинг таклифи, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарори билан Дэн Сяопин «партия ичида ва ташқарисида» ўзи эгаллаб турган ҳамма лавозимлардан олиб ташланган эди. Бир мунча вақт ўтгандан кейин Хуа Го-фэн ўзининг нутқларидан бирида «Дэн Сяопиннинг контрреволюцион ревизионистик йўлини танқид қилиш учун шахсан Раис Мао Цзэ-дун авж олдиргани ва раҳбарлик қилган кураш... эндиликда буюк ғалабага эришди ва тобора ривожланиб бормоқда», деб таъкидлаган эди.

Пленум Ван Хун-вэнь, Чжан Чунь-цяо, Мао Цзэ-дунинг хотини— Цзян Цин ва Яо Вэнь-юанни «партия сафларидан умрбод ўчириб юборди» ҳамда «партия ичида ва ташқарисида эгаллаб турган ҳамма лавозимларидан» олиб ташлади. Улар «буржуа амалпарастлари ва фитначилари шайкаси» деб таърифландилар. ХКП Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги ахборотда айтиладики, «Тўртлар гуруҳи» Раис Мао Цзэ-дун бошчилик қилган партия Марказий Комитетига қарши қутуриб кураш олиб борди». Шу нарса маълумки, Мао ҳаёт чоғида ана шу тўрт кишининг ҳаммаси партия билан давлатда юксак раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган эдилар.

ХКП XI съездини шу йил «лозим топилган вақтда» чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ХКП Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги ахборотда Советларга қарши одатдагидек ҳуружлар қилинган.

МИСР—ЛИВИЯ ЧЕГАРАСИДА ТЎҚНАШУВ

ҚОҲИРА, 22 июль. (ТАСС). Миср Араб Республикаси расмий ҳарбий вакилининг айтишича, 21 июль куни Миср билан Ливия ўртасидаги чегара районда икки мамлакат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашув юз берган.

ТРИПОЛИ, 22 июль. (ТАСС). Ливия расмий вакилининг маълум қилишича, Миснинг қуролли кучлари Ливиянинг чегара ёнидаги Мусоид пунктини ишғол қилганлар. Ҳужум қилиш натижасида тинч аҳоли орасида қурбонлар бор. Миснинг ҳарбий-ҳаво кучлари Ливиянинг Бардия деган аҳоли пунктини бомбардимон қилганлар. Расмий вакил шу ҳужум учун жавобгарлик Миср раҳбарлари зиммасига тушади, деб таъкидлади.

ТАЛЛИН ТАШАККУРИ

САНЪАТ ОЛАМИДА

Яқинда қардош Эстониянинг пойтахти Таллинда анъанавий хор санъати байрами бўлиб ўтди. Унда республикамиздан Тошкент маданий-оқартув техникумининг академик хори ҳам қатнашди ва муваффақият қозонди. Шу муносабат билан мухбиримиз коллектив раҳбарларидан бири Владимир Хлебников билан учрашди. У Таллин сафари, умуман хор ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Шуни алоҳида мамнуният билан айта оламизки, бизнинг коллектив Ўзбекистон номидан Таллин санъат байрамида қатнашган ягона хор бўлди. Меҳнаткашлар бадиий ҳаваскорлик ижоди биринчи Бутуниттифоқ фестивали лауреатлари бўлган хорларнинг якунловчи концерти сифатида ўтказилган бу ўзига хос қўрикдан хурсандмиз. Унда қатнашувимиз изсиз қолмади. Пухта тайёргарлик, изчил изланиш ва ўрганишлар туфайли кенг кўламли санъат байрамида муваффақиятли қатнашдик. Ижрочилик қобилиятимиз ва репертуар танлаш дидимиз жюри аъзолари, эстониялик атоқли санъаткорлар номидан алоҳида қайд этилди. Байрам мутасаддиларидан бири, Эстония ССР халқ артисти Куно Аренгнинг қуйидаги сўзлари ҳамон ёдимизда: Ўзбекистондан ташриф буюрган хор ҳар қандай профессионал коллективлар билан бемалол беллаша олади. Унинг репертуари халқ ижоди намуналарига бойлиги, интернационал характери билан ажралиб туради. Агар коллектив ўз устида ишлашни мунтазам давом эттирса, Ўзбекистоннинг машҳур профессионал бадиий коллективлари билан алоқани янада мустаҳкамласа, биз, эстониялик санъаткорлар қатъий ишонамизки, у зафар қозонаверади.

Лекин улкан хор санъати байрамида муваффақиятли иштирок этишимиз осонликча бўлмади. Таллинга ижрочилик маҳорати билан ўз республикасига, қолаверса, бутун мамлакатимизга маълум коллективлар ташриф буюрган эди. Уларнинг кўлларини Марказий телевидение орқали танирдик.

Шу боис қардошларимиз диёрига қадам қўйган кунимизданоқ тайёргарликни янада пухтароқ қилишга интилдик. Айниқса, репертуаримиздаги «Партия ҳақида қўшиқ», «Ўзбекистон» асарлари устида кўпроқ меҳнат қилдик. Эстониялик дўстларимиз машқларимизнинг мазмунли ўтиши учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб беришди.

Очиқ ям-яшил майдонда бошланган санъат байрамида ўттиз мингдан ортиқ хор қатнашчиси бор эди. Биринчилардан бўлиб ўз санъатимизни намойиш қилдик. Йиғилганлар баб-баравар бизни олқишлади. Бундан қониқиш ҳис этдик.

Таллин сафари коллективимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади. У бизга кўп нарсалар ҳадя этди. Энг аввало, қардош республикалардаги ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишувга, дўстлашишга имконият яратди.

Энди икки оғиз гап умуман хор ҳақида. Коллектив ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Атиги уч йил тўлди. Дастлаб икки овозли шаклида иш бошлаган группа кейинчалик, тўрт, саккиз овозда асарлар ижро этди. Тўғри, илк репертуаримизда ҳаммага маълум машҳур халқ қўшиқлари бор эди. Кейинчалик бу асарлар қайта ишланди, сайқалланди. Барабора қатнашчилар сони кўпайиб, акапелла майдонга келди. Маълумки, акапелла жўрсиз ижро этилади. Бу ижрочидан маҳоратни, яхши овозни талаб қилади. Ёшларимиз таниқли ва профессионал санъаткорлар кўмагида бу жанрнинг ўзига хос сирларини катта интилиш билан ўзлаштириб олдилар. Шу боис қисқа муддатда ижроимиз кўпчиликка маъқул бўла бошлади. Район, шаҳар, республика кўрикларида қатнашиб, муваффақиятли ўринларни эгалладик. Ойша Ортиқбоева, Турсуной Мамиева каби ҳаваскорларимиз бугунги кунда бутун республикага таниш.

Имкониятдан фойдаланиб, шуни қувонч билан таъкидлашкераккки, коллективимизнинг бугунги муваффақияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада хор санъатини янада ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарори амалга оширилаётгани самарасидир.

Тошкент маданий-оқартув техникумининг хори Таллиндаги хор санъати байрамида иштирок этиб, санъат мухлисларини хушнуд этди.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ВАТАНИМ

Қудратлисан, менинг Ватаним,
Ишчи-деҳқон дўстлиги билан,
Жаҳонаро ягонасан сен,
Октябрнинг знёси билан.

Халқлар озод, эллар бахтиёр,
Инқилобдан туғилган авлод.
Шум ёвларни этиб тор-у-мор,
Посбонидир баҳодир солдат.

Бир томонда тиғ урса қуёш,
Балқиб чиқар бир томондан ой.
Бахтиёрдир, халқи қонқардош,
Поёни йўқ, тенги йўқ чирой.

Кекса-ю ёш иззат-ҳурматда,
Юксакланар поя-поя.
Партиямиз олий ҳимматда,
Тинчлик иши Ватан-чун гоя.

НАЙ НАВОСИ

Ёз фасли, оромбахш ўлкам ҳавоси,
Далалар беқасам тўнин кийганда
Чайладан эшитилар бир най навоси,
Полизга хўп хушбўй оқшом қўнганда.

Шох-шабба ортидан мўралайди ой,
Нғй навосидан бўлгандек сархуш.
Наво таралади гўё оқар сой,
Қаршида ой эмас, бир зебо, чирой.

Севаман сизни деб гўё куйлар най.
Юринг, кетайлик, дер чўли ироққа,
Чўлларни сайқаллаб, бахш этиб чирой,
Айлансин бўстонга, ажиб гулбоққа.

Най чиқди авжига, ишқнинг мавжига,
Найчи ҳеч беларво боқар бағига,
Шох-шабба ортида кўринган ул ой,
Ташланди найчининг қуйчан бағрига.

Маъруф ҚОРИЕВ.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК

Совет Иттифоқида Монголия халқ революциясининг 56 йиллигига бағишланган Совет—Монгол дўстлиги декадаси тамом бўлди. Декада қатнашиш учун МХРП Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, МХР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи Д. Загасбалдан бошчилигидаги Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси билан Монголия — Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси келди.

Совет—Монголия дўстлиги жамиятининг коллектив аъзолари бўлмиш Москва ва Москва областидаги корхоналарда монгол халқининг вакиллари билан дўстона суҳбатлар бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилишлар, кечалар ва монгол дўстлар билан учрашувлар Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Молдавия, Ўзбекистон ва Озарбайжон заводлари ҳамда фабрикаларида ҳам бўлиб ўтди.

22 июль куни Москвада декаданинг ёпилишига бағишланган кеча бўлди. (ТАСС).

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

22 июль куни Россия Федерацияси Министрлар Советида кенгаш бўлди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «РСФСРнинг ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. В. Александкин докладида ўтказишга ҳамда ем-хашак тайёрлашга катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев кенгашда нутқ сўзлади. (ТАСС).

Совет Иттифоқида ноқоратупроқ зонани ривожлантириш учун 15 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирди. Ана шу вақт ичида дон, сут, сабзавот, тухум харид қилиш соҳасида анчагина ўсишга эришилди.

Бироқ зона қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий камчиликлар ҳам бор. Кўпгина колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти ҳали ҳам паст.

Кенгашда ҳосил ўрим-йиғимига ҳозирлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга ҳамда ем-хашак тайёрлашга катта эътибор берилди.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНАДИ

Мамлакатнинг савдо ходимлари товар оборотининг ўсишдан ярим йиллик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда кўпроқ мол сотилди. Ўзлаб янги савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналари очилди.

Савдо ходимлари кунига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилиш қатнашчилари ана шулар ҳақида гапирдилар. Йиғилиш 22 июль куни Москвадаги Давлат марказий концерт залида бўлди.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари бор эди.

СССР савдо министри А. И. Струев доклад қилди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОНОМИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, АГРОХИМИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК, ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ПИЛЛАЧИЛИК, МЕВАЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК, ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА

АГРОНОМИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ЗООИНЖЕНЕРЛИК.

Институт ва филиал қуйидаги мутахассисларни тайёрлаб чиқаради: агрохимик-тупроқшунослар, далачилик агрономлари, уруғчилик ва шоличилик селекционерлари, мева-сабзавотчилар ва узумчилар, ўсимликларни муҳофаза қилувчилар, пиллачилар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодчи-ташкилотчилари, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчилар, кенг профилдаги зооинженерлар.

АРИЗАЛАР — 1 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚУЙИДАГИЛАР ИМТИЕЗДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР:

Умумий таълим мактабларини мақтов қоғози, олтин ёки кумуш медаль билан битирганлар, шунингдек ўрта махсус ўқув юртларини аъло баҳолар билан битирганлар;

Совхозлар, колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан белгиланган тартибда ўқишга юборилганлар;

СССР Қуролли Кучларида камида 2 йил хизмат қилиб, запасга чиққанлар;

камида 2 йиллик иш стажига эга бўлган ва тегишли ихтисос бўйича ишловчилар.

Институтга қабул қилиш ҳақидаги ариза ректор номига ёзилиб, унда факультет ва танланган ихтисос кўрсатилади.

АРИЗАГА ҚУЙИДАГИЛАР ИЛОВА ҚИЛИНАДИ: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 3Х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан имзоланган сўнгги иш жойидан характеристика; меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма (корхона маъмурияти томонидан тасдиқланган),

Умумий таълим мактабларини битирганлар мактаб раҳбари ва жамоат ташкилотлари томонидан берилган характеристика, Қуролли Кучлардан запасга чиқарилганлар эса ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган характеристикани тақдим этадилар.

Ўқишга кирувчилар ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва паспортни шахсан кўрсатадилар.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР:

қишлоқ хўжалик экономикаси ва уни ташкил этиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби — МАТЕМАТИКАДАН (оғзаки), ГЕОГРАФИЯДАН (оғзаки), БИОЛОГИЯДАН (оғзаки);

ўрмон хўжалиги — МАТЕМАТИКА (оғзаки), ХИМИЯ (оғзаки), ФИЗИКАДАН (оғзаки).

Бошқа қишлоқ хўжалик ихтисослари бўйича — ХИМИЯДАН (оғзаки), ФИЗИКАДАН (оғзаки), БИОЛОГИЯДАН (оғзаки).

БУНДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАРНИНГ ҲАММАСИ РУС ЕКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН КИРИШ ИМТИҲОНИ (иншо) ТОПШИРАДИЛАР.

Институтга СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан 1976 йил 30 декабрда тасдиқланган олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари асосида қабул қилинади.

ИЗОҲ: умумий таълим мактабларини олтин ёки кумуш медаль билан битирганлар ёки махсус ўқув юртларини аъло баҳолар билан тамомлаганлар барча агрономия ихтисослиги факультетига киришда химиядан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Экономика, бухгалтерия ҳисоби, ўрмон хўжалиги факультетларига кирувчилар математикадан оғзаки имтиҳон топширадилар.

«5» баҳо билан имтиҳон топширганлар сўнгги кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар.

СССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИНИНГ 1977 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ 432 СОНЛИ БУЙРУҒИГА МУВОФИҚ, ИНСТИТУТДА ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ, ПИЛЛАЧИЛИК ИХТИСОСЛАРИГА ЕШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тажриба ўтказишда иштирок этишга мактабларни олтин ва кумуш медаль билан битирганлар, техникумларни аъло баҳо билан тамомлаганлар, шунингдек, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда қониқарли баҳолари бўлмаган ёшлар (аттестат ёки дипломда кўрсатилган баҳолар бўйича ўртача баллари 4,5 дан 5 гача бўлган ёшлар) киритилади.

Тажриба иштирокчилари ўсимликларни муҳофаза қилиш ва пиллачилик ихтисослари бўйича химиядан ва биологиядан оғзаки имтиҳон топширадилар;

ўрмон хўжалиги ихтисоси бўйича математика ва химиядан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Дастлабки 2 имтиҳон натижаларига кўра 9 ёки 10 балл тўплаганлар шундан кейинги имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар.

СТИПЕНДИЯ ВА ЕТОК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УМУМИЙ АСОСДА БЎЛАДИ.

Институт адреси: 700183, Тошкент шаҳри, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти (19, 41, 62, 117, 73, 81-«Экспресс» автобуслар, 10- маршрут таксининг «ТашГРЭС массиви бекати (Тошкент Қишлоқ хўжалик институти).

Институт филиалининг адреси: 712002, Фарғона шаҳри, Кувасайская кўчаси, 2-«а» уй.

А. Р. БЕРУНИЙ НОМЛИ БУЛУНГУР ҚИШЛОҚ ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қиланади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: мелиорация ишлари механизаторлари, экскаватор машинистлари, гидромелиорация ишларининг транспортчи-машинистлари (ўқиш муддати — 3 йил) **электр пайвандчилар, узумчилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик бўйича мутахассислар** (ўқиш муддати — 1 йил)

Билим юртига кириб 3 йил ўқиган талабалар: мутахассислик бўйича гувоҳнома, ўрта маълумот ҳақида аттестат, III-класс шоферлик гувоҳномаси ва диплом олиб чиқадилар.

Ўқиш даврида ҳарбий хизматга чақирилмайдилар. Билим юртини 75 процент аъло баҳо билан битирганлар имтиёзли етуклик аттестати ва диплом оладилар ҳамда икки йил ишлаб бериш муддатини ўтмасдан олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юртида қабул қилинганлар ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва стипендия билан, узоқдан келганлар етоқхона билан таъминланадилар. Практика даврида ўқувчиларга ишлаган ҳақлари 100 процент нақд тўланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг гувоҳномаси, оилавий аҳволи тўғрисидаги справка. (286-форма).

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Самарқанд область, Булунгур район, Красногвардейск шаҳри, «ВЛКСМ 30 йиллиги» кўчаси, 105-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб базасида ўзбек ва рус тилидаги таълим группаларига

ТЕХНИКУМНИНГ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф базасидаги кундузги ўқишга: машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш;

8 йиллик ва ўрта мактаб базасида кечки ва сиртқи таълимга: машинасозлик саноати корхоналарида металлни қириб ишлаш, инструментал ишлаб чиқариш, планлаштириш. **Ўқиш муддати — маълумоти, ихтисос ва таълим формаларига қараб 2 ярим йилдан 4 ярим йилгача.**

Қабул ҳақидаги ариза техникум директори номига ёзилиб, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма. 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), паспорт (шахсан тақдим этилади).

Қабул имтиҳонларига киритилган фанлардан мақтов ёрлиқлари бўлган аълочилар, медалчилар, абитуриентлар, шунингдек саломатлигининг аҳволи, ёши ёки штатлар қисқарганлиги сабабли СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилган офицерлар, прапорщиклар, мичманлар (бўшатилгандан кейин 2 йил мобайнида) **техникумга кириш имтиҳонлари олинмай қабул қилинади.**

Қолган кишилар рус (ўзбек) тилидан, 8 йиллик мактаб базасида кирувчилар — диктант; рус (ўзбек) тили ва адабиётдан ёзма имтиҳон топширадилар.

Ўрта мактаб базасида кирувчилар: математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ — БАРЧА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИЙДИР.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 31 ИЮЛГАЧА: кечки бўлимга (8 йиллик мактаб базасида) — 6 августгача. ўрта мактаб базасида кирувчилардан 15 ноябргача; сиртқи бўлимга кирувчилардан 10 августгача қабул қилинади.

ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАММА СПРАВКАЛАРНИ ТЕХНИКУМ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИДАН ОЛИШ МУМКИН.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри-48, Сельмашская кўчаси, 6-уй (4, 13, 18, 27-трамвайлар, 3, 8, 10, 15, 16, 21, 48, 70, 72, 80-автобусларнинг «Ташсельмаш» бекати). Телефон 66-82-76.

ТЕХНИКУМ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 21-уй — 88-мактаб бинаси, 2, 16-трамвайлар, 19, 47, 73, 81-автобусларнинг, «Водопроводная кўчаси» бекати);

Тошкент шаҳри, «Ташавтомаш» массиви (1, 16, 24, 73-автобуслар «ТТЗ» бекати);

Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 53-уй (7, 9, 14-трамвайлар, 3, 18, 45, 50, 54, 80-автобуслар, «Театральная кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ

160-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ДУРАДГОР, СУВОҚЧИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

БЕТОНЧИ-АРМАТУРАЧИ, ДУРАДГОР, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛУВЧИ, БУЁҚЧИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, АВТОКРАН МАШИНИСТИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР.

Ўқиш муддати — 2 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА — 15-27 ЕШДАГИ 8-10-СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланадилар. Уларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирган ўқувчилар ўрта маълумот олиб чиқадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАРГА ТАМОМЛАГАН ШАХСЛАР ТЕХНИКУМ ВА ИНСТИТУТЛАРГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик (эстрада ва миллий), фототўгарак, ёғоч ўймакорлиги тўгараги, рассомчилик, авиамоделчилик, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: маълумоти ва туғилганлиги ҳақидаги (паспорт), ҳужжатлар; яшаш жойидан, медицина (286-форма) справкаларини; чақирилиш гувоҳномаси (ёки ҳарбий билетни), 4 та фотосурат (3х4 см), ўқиш ёки иш жойидан характеристика,

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Юқори Чирчиқ район, «Ўзбекистон» колхози (автобуслар: «Паркент—Қўйлиқ», «Янгибозор — Сквер» (скорий), «Ўзбекистон» колхози бекати).

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Самолётсозлик, металларни қириб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, программа билан бошқариладиган станокларни созлаш ва эксплуатация қилиш, машинасозлик саноати корхоналарини планлаштириш, саноат ускуналарининг монтажи ва ремонти.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: рус ёки ўзбек тилидан (иншо) ва математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Ўрта маълумотлилар: рус ёки ўзбек тилидан (иншо) ва математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

ТЕХНИКУМДА ЎҚИШ МУДДАТИ ТАНЛАНГАН МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ҚАРАБ 2 ЯРИМ ЙИЛДАН 4 ЙИЛГАЧА.

Қабул тартиби ҳамма техникумлар учун умумийдир.

АРИЗАЛАР ТЕХНИКУМНИНГ КЕЧКИ БЎЛИМИГА 15 НОЯБРГАЧА, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 6 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри-6, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Оиз (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Атиги бир тун — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 18, 19), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.00).

Сўнган гулханлар тафти — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

«Йўлбарслар» тунда пайдо бўлади — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Муҳаббат ёзи — «ҚОЗОҒИСТОН» (15, 16, 20.00).

Ҳадни; Мсье Папа — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз иблислари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кўзгу — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Мсье Папа — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳаани; Мсье Папа — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.40).

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика мижесидаги шахсий пенсионер

Рихси РАЖАБИЙнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти коллективи институтнинг кекса ўқитувчиларидан бири, КПСС тарихи кафедрасининг доценти

Гилла Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

24 ИЮЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — А. Муратовнинг мураккаб ҳаёти (телеспектакль, 2-қисм). 13.00 — Музикали кроссворд. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Мен яшайдиган уй (бадиий фильм). 16.25 — Бугун — савдо ходимлари куни. 16.40 — Музикали программа. 17.25— Халқаро панорама. 17.55 — Мультфильмлар. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.00—Янгиликлар. 19.15— Концерт. 19.35 — Резидентнинг тақдири (бадиий фильмнинг 2-серияси). 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Киносеҳатчилар клуби. 22.00 — «Вақт». 22.40 — Концерт. 23.20 — Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Қуйланг, ёш хонандалар. 10.50 — Мультфильм. 11.00 — Қувноқ стартлар. 12.00 — Ота-оналар учун программа. 12.30 — Буни ҳамма билиши ва ундасидан чиқиши керак. 13.00 — Пўлат қандай тобланди (бадиий фильм, 6-серия). 14.05 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ўйлаб топ. 18.45 — Сизни Тошкент политехника институти кутади. 19.15 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Бугун — савдо ходимлари куни. 20.20 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 21.15 — Телеминиатюралар. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахта ва сув. 22.45 — «Уруш ва тинчлик» (бадиий фильм, 4-серия).

ҚИРҒИЗИСТОН ПРОГРАММАСИ

17.50 — Фрунзе кўрсатувлари.

25 ИЮЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.05 — Бизнинг биография. 1957 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Э. Межелайтис ижоди. 16.30 — Концерт. 16.55 — Кекса устанинг васияти (бадиий фильм, 1-серия). 18.00 — Сиз яратган боғ. 18.30 — Болаларга хайвонлар ҳақида. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.25 — Калининград области механизаторлари мусобақалашмоқдалар. 20.10 — «Егор Булычев ва бошқалар» (фильм-спектакль). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.10 — Чим хоккей: «Фили» (Москва) — «Динамо» (Олмаота). 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Қувноқ пионер ёғи. 19.00 — Инсон ва қонун. 19.30 — Мирзачўлдаги «Фарғона». Ҳужжатли фильм. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ёзувчилар пахта далаларида. 20.35 — Тўйлар ҳақида ўйлар. 21.00 — Ахборот. 21.30 — «Рохат» ансамбли (Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар). 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Бир миллион тонна «Ҳаҳрабо дон» учун. 23.45 — «Оқ ёл ҳақида қисса» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.20 — Салом Гнат! (бадиий фильм). 20.45 — Янгиликлар. 21.05 — Фильм-концерт. 21.35 — Қизиқчувчилар клуби. 22.05 — Ҳужжатли фильм.

Радио

24 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.15 — «Табассум». 11.15 — Эрталабки салом (Москва). 12.10 — «Ўзбекистон индустриальний». 13.00 — Бўрдоқичилик базаларида. 13.30 — Жамоат овқатланиш муассасалари ходимлари учун концерт. 14.00 — «Табаррук замин». 15.10 — «Халқ ҳизматида». 15.20 — Савдо ходимларининг талабларига биноан концерт. 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Халқаро шахмоловчилар даврасида (Москва). 18.30 — Қувноқ лапарлар. 19.00 — Бизнинг радиопочта. 19.20— «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Композитор М. Левиев қўшиқлари. 21.00 — «Қадрдон далалар». 22.00 — «Табассум». 22.45 — Вальслар. 23.15 — Дам олиш соатида.

25 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». Концерт. 9.15 — Совет гурмуш гарди. 9.30 — Ўзбекистон композиторларининг оммавий қўшиқлари. 11.15 — Тинчлик, озодлик, маданий ҳаракат (суҳбат). 11.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 11.50 — Ҳоразм шоликорлари ҳузурида. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Ем-хашак жамғаришнинг боришини текширамиз. 13.30 — Электр музика чолғу ансамбли чалади. 14.00 — Ипатово райони тажрибаси асосида. 16.10 — Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестри билан учрашув. 18.30 — Модий рағбатлантириш — ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг таъсирчан кучи. 19.00 — «